БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 232 (463)

22 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлида бўлишлари муносабати блан митинг. **Н. А. Булганин нутқи. Жавоҳарлал Неру** нутқи (1—2-нчи бетлар).

СССРнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. А. Меньшиков Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар шарафига зиёфат берди (1-нчи бет).

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Раджендра Прасад Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига қабул маросими ўтказди (2-нчи бет).

Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Ж. Неру ҳузурида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат (2-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда бўлиши (2-нчи бет).

Б. Семенев. — Совет-Ҳинд дўстлиги мустаҳкамланмоқда (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Район партия конференцияларидан (3-нчи бет).

КОНСУЛЬТАЦИЯ: **И. Карпов.** — Колхозларда инвентаризация ўз вақтида ва пухта ўтказилсин (3-нчи бет).

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида (3-нчи бет).

Австрия парламент делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Тўрт давлат ташқи ишлар министрлари Женева кенгашининг тамом бўлганлиги муносабати блан Берлинда митинглар (4-нчи бет).

Газета ва журналларга обуна бўлишни уюшқоқлик блан ўтказайлик

Матбуот — партиямизнинг энг ўткир қоявий қуролидир. Совет матбуоти марксизм-ленинизм гояларини пропаганда қилишда, оммани коммунистик руҳда тарбиялашда, меҳнаткашларни партия ва ҳукумат томонидан мамлакат олдига қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда, мамлакатимизда хўжалик, ва маданий қурилиш муваффақиятини та'минлашда жуда катта роль ўйнайди.

Коммунистик партия матбуотни ўстириш, газета ва журналларнинг қоявий савиясини ошириш, матбуот ходимлари етиштириш ва уларни тарбиялашга ҳамавақт катта э'тибор бериб келмоқда.

Коммунистик партия совет республикаларида миллий матбуотни ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда рус, ўзбек ва тожик тилларида ўнлаб республика газеталари чиқарилмоқда. Область, шаҳар ва район газеталарининг сони ва тиражи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Кўпгина саноат корхоналарида, совхоз ва олий ўқув юртларида кўптиражли газеталар чиқарилмоқда. Газета ва журналларга талаб кучаймоқда, обуначиларнинг сони ўсмоқда.

Бизнинг матбуотимиз хэлқ оммасининг мэнфаатларини ифода қилади ва омма блан доимий алоқададир. Газета ва журналлар аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги учун ҳам унинг ташкилий-тарбиявий аҳамияти ғоят каттадир. Партия ташкилотлари ўз органларининг қоявий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда бўлишига, уни ўз вақтида чиқариш ва омма ўртасида кенг тарқатишга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Улар матбуот орқали илғор иш методларини кенг пропаганда қилмоқдалар, меҳнаткашларни хўжалик ва сиёсий вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Областимиз корхоналари, колхоз, совхоз ва МТСларида, муассаса ва ўқув юртларида марказий ҳамда маҳаллий газета-журнэлларга 1956 йил учун обуналар қабул қилинмоқда. Кўпгина алоқа бўлимлари ва жамоат ташкилотларидан вакил қилинган обуна қабул қилучилар газета ва журналлэр тарқатишда актив қатнашмоқдалар. Улар корхона ва муассасалар, колхоз, совхоз ва МТСларда обуна қабул қилиш ишини муваффақиятли олиб бормоқдалар.

Матбуотни оммэ ўртасида кенг тарқэтиш—партия, комсомол вэ касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Айрим партия ташкилотлари газета ва журналларга обуна қабул қилиш блан бевосита шуғулланиб, жуда тўғри иш қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Оққўрғон район партия комитети диққатга сазовор иш қилмоқда. Район партия комитети колхоз ва совхозларда, муассаса ва мэктабларда обуна тўплашнинг бориши тўғрисидаги масалани алоҳида муҳокама қилди. Газета ва журналларга обуна тўплаш ишини муҳим кампания тарзида уюшқоқлик блан ўтказишга э'тибор кучайтиридли. Ҳозир район меҳнаткашлари 30 га яқин номда мингларча нусхэ газета ва журналларга ёзилдилар. Шунингдек Сирдар'ё, Мирзачўл ва Оржоникидзе районларида ҳам бу иш муваффақиятли олиб борилмоқда.

Броқ, областьда газета ва журналларга обуна қабул қилиш мутлақо қониқарсиз бормоқда. Бу иш 1 октябрьдан бошлангэн ва яқин орада тугалланиши лозим эди. Район алоқа бўлимлэри бу ишни пухта тайёргарлик блан бошламадилэр. Кўпгина корхона ва ўқув юртларида обуна тўплаш пунктлари ташкил қилинмади, жамоат вэкиллари белгилаш кечиктиридли. Шунинг учун Тошкент, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида обуна тўплаш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмаётир. Илмий-оммэбоп, техника ва экономика масалаларига оид журналлар айниқса кам тарқатилмоқда.

Газета вэ журналларга обуна тўплаш Бўка районида чидаб бўлмас даражада суст бормоқда. Бу районда республика ва область газеталарига обуначилар икки юздан ошмэйди. Обуна тўплашнинг жуда қониқарсиз бораётганлигига биринчи галда район алоқа бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Маляренко айбдор. Аммо, район партия комитети (секретари Ўртоқ Солимуҳамедов) ҳам газета ва журналлар тарқэтиш иши блан мутлақо шуғулланмаётир. Шунингдек, Верхне-волинск ва Боёвут район партия комитетлари бу муҳим ишга э'тибор қилмаётирлар. Бу районлар газета ва журнал тэрқатишда ўзлари учун берилган лимитнинг фақат 30 — 40 процентинигина ўзлаштирганлэр, холос.

Газета ва журналларга якка тартибда обунэ тўплаш айниқса суст бормоқда. Колбуки, ишчи вэ хизматчиларни, колхозчилар ва қишлоқ хўжалик ходимларини марказий ва маҳаллий матбуотга обуна қилиш ва ҳарбир оилада хилма-хил газета ва журналларнинг бўлишига эришиш — катта сиёсий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жуда кўп ихтисосий журналлар чиқарилмоқда. Шунга эришмоқ лозимки, ҳарбир мутахэссис ўз ихтисосига оид журналга эга бўлсин ва ўз ихтисосини оширишда бу журналлардан кенг фойдалансин.

Газета ва журналларнинг сони тобора кўпаяётганига қарамай, уларга бўлган талаб ҳам ошмоқда. Аммо, ба'зи алоқа бўлимларининг ходимлари ва жамоат вакиллари талаб қилинган газета ва журналга оид справкаларни пухта билмасдан «бу бизда йўқ» ёки «бу журналга обуна тўплаш тамом бўлди» деган ўринсиз баҳоналарни кўрсатадилар. Обуна қабул қилишда бу каби ярамас аҳволларга барҳам бериш лозим.

Газета ва журналларга обуна тўплашни кечиктирмай, намунали ўтказиш партия ташкилотларидан бу муҳим ишга яқиндан раҳбарлик қилишни талаб этади. Ҳарбир корхона, муассаса, колхоз, совхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотлари коллектив ўртасида обунэ тўплашни ташкил этишга жудэ яқиндан қатнашишлари лозим. Обуна қабул қилишда обуначиларнинг исми ва фамилияси, адреси аниқ ёзилиши лозим. Бу эса ҳарбир обуначига ўзи ёзилгэн газета ва журнални вақтида етказиб беришни та'минлайди.

Обуна тўплаш ишида кескин бурилиш ясаш учун партия ва комсомол ташкилотлари алоқа бўлимлари ва «Союзпечать» ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Шаҳэр ва қишлоқ агитаторлари газета ва журналларга обуна бўлиш тартиби, муддат ва шартлари тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш олиб боришлари лозим. Шунингдек матбуотнинг роли, унинг йилдан-йилга ўсиши ҳақида ўтказиладиган суҳбатлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Район партия комитетларининг агитация ва пропагэнда бўлимлари обуна тўплаш пайтида ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари лозим.

Шу кунларда кўпчилик районларда партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари ўтказилмоқда. Йиғилишлар ва конференцияларда партия ташкилотларининг фэолияти муҳокама қилинганда улэрнинг омма ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қандай тэшкил этганликлари, матбуотни омма ўртасида тарқатишда йўл қўйган камчиликлари кенг муҳокама қилиниши ҳамда уларнинг э'тибори бор камчиликларни тугатишга қаратилиши керак.

Обуна тўплаш кампэнияси қизғин паллага кирди. Шунга эришмоқ керакки, ҳарбир корхона ва муассасаларда, МТС, колхоз ва совхозларда тегишли миқдорда газета вэ журналлар бўлсин. Коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга оммани сафарбар этучи матбуотни кенг тарқатиш, меҳнаткашларнинг газета ва журналларгэ кенг обуна бўлишларини та'минлаш — партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг, алоқа ходимлэри ва нашриётларнинг энг муҳим вазифасидир.

Газета вэ журналлар — оммага!

СССРнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. А. Меньшиков Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар шарафига зиёфат берди

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). СССРнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. А. Меньшиков бугун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру, Вице-Президент С. Радҳакришнан, Ички ишлар министри Г. Б. Пант, Савдо ва саноат министри Т. Кришнамачари, Соғлиқни сақлаш министри Ражкумари А. Каур, Саноат министри Н. Канунго, Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Саид Маҳмуд, Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Р. Пиллаи, Ҳиндистон президентининг ҳарбий секретари Я. Сингх, Ҳиндистон ҳукумати ҳузуридаги ма'мурий ходим Ханду, Ҳиндистоннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К. П. Ш. Менон, бош министрнинг қизи Индира Ганди хоним ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, армия генерали И. А. Серов, СССР Ташқи Ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Д. Р. Расулов, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари З. Раҳимбобоева ҳозир бўлдилар.

Зиёфат ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Мамлакат колхозлари ва совхозлари мойли экинларнинг уруғларини тайёрлаш ва сотиш давлат планини бажардилар

Совет Иттифоқининг колхозлари ва совхозлари партия вэ ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун курашиб, мойли экинларнинг уруғларини етиштиришни кўпайтиришга мувэффақ бўлдилар, бу эса мойли экинларнинг уруғларини тайёрлаш ва сотиш давлат планини шу йил 10 ноябрьгача 102,7 процент бажаришга имкон берди.

Бу йил шу муддатгача мойли экинларнинг уруғларини бутун 1954 йилдагига қараганда 803 минг тонна ва мойли экинларнинг уруғликлари энг кўп тайёрланган бутун 1953 йилдагигэ қараганда 90 минг тонна кўп тайёрланди ва сотиб олинди.

Мойли экинларнинг уруғларини тайёрлаш вэ сотиш давом этмоқда.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлида бўлишлари муносабати блан митинг

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Деҳли гражданлари Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев блан кечқурун яна учрашдилар. Деҳлининг эски шаҳар блан янги шаҳар қисми ўртасида иморатлардан ҳоли бўлган кенг Рамлила майдонида оммавий митинг бўлди. Ҳиндистонда шаҳар гражданлари номидан ташкил этиладиган «гражданлик қабули» — учрашуви деб аталадиган бу митинг Ҳиндистон Республикаси Бош Министри Ж. Неру раислиги остида ўтди. Митингга ярим миллиондан кўпроқ киши тўпланди. Митингга таклиф қилинган жуда кўп кишилар: сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотларининг, аҳоли турли табақаларининг вакиллари трибуна олдида ҳинд одати бўйича кенг ярим доира бўлиб ерга ўтирган, дипломатик корпус а'золари учун махсус жойлар ажратилган эди. Бепоён майдоннинг бошқа қисми Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон ўртасидаги бу дўстлик намойишида қатнашмоқ учун келган жуда кўп халқ блан лиқ тўлган эди.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва Ж. Неру трибунага чиқишлари блан уларни тўпланган халқ қизғин табриклар блан кутиб олди. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистоннинг минглаб байроқлари ва байроқчалари майдонда кўтарилди. Рангба-ранг варраклар ҳавога учирилди. Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва Ж. Неру митингга тўпланганларни самимий табриклидилар.

Деҳли шаҳар муниципалитетининг раиси Р. Н. Агарвал, Деҳли штатининг бош министри Г. Н. Сингх, Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг раиси У. Н. Дхебар, Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг ҳамроҳлари ҳам трибунага чиқдилар.

Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевга ҳиндларнинг традицион чамбарлари тақдим этилди. Янги гуллардан зар иплар блан боғланиб ясаладиган бу чамбарлар бўйинга осиб қўйилади.

Деҳли мактабларининг ўқучи қизлари Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга келганликлари муносабати блан Ҳиндистон—Совет дўстлиги ҳақида шоир Р. Д. С. Динкар томонидан ёзилган табрик қўшиғини ижро этдилар.

Радиокарнайлари орқали бутун майдонга эшитдирилиб турилган митингни Ж. Неру очди. У, Деҳли шаҳар муниципалитетининг раиси Агарвалга сўз беради. Агарвал Деҳли гражданлари номидан Н. А. Булганинга ва Н. С. Хрушчевга ёзилган табрикномани ўқиб беради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг раиси Ҳазрат Олийлари

Николай Александрович БУЛГАНИН жанобларига

ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Ҳазрат Олийлари

Никита Сергеевич ХРУШЧЕВ жанобларига

Деҳли гражданлари тақдим этган

ТАБРИКНОМА

Ҳазрат Олийлари!

Мен дун'ёдаги энг қадимги ва тарихий пойтахтларнинг бири бўлгэн ана шу қэдимги Деҳли шаҳри номидан Сиз Ҳазрат Олийларини қизғин табриклаш шарафига муяссар бўлганлигимдэн фахрланаман. Бу шаҳар ёки ана шу районда ундан олдин ўтган шаҳарлар тарих тонгида буюк давлатларнинг пойтахтлари бўлган эди, дейиш мумкин. Ҳиндистоннинг ранг-баранг тарихи ана шу мингларча йиллардан иборат узоқ давр мобайнида асосан ана шу тарихий жой атрофида содир бўлди. Эндиликда эски Деҳли шаҳри деб аталэётган жойни ана шу райондаги еттинчи шаҳар деб айтиш мумкин, кейинги 30 йил мобайнида қад кўтаргэн янги Деҳли шаҳри эса ана шу райондаги саккизинчи шаҳардир. Буюк империялар шуерда пайдо бўлар ва тарқалиб кетэр эди. Ҳозирги вақтда Деҳли шаҳри ажнабийларнинг узоқ давом этгэн ҳукмронлигидан кейин яна эркин ва мустэқил мамлакатнинг пойтахти бўлиб қолди.

Биз, озод бўлганимизданг буён ўтган саккиз йил мобайнида кўпгина кўзга кўринган меҳмонларни, шу жумлэдан, Шарқ ва Ғарбдаги давлатларнинг бошлиқларини ҳамда машҳур давлат арбобларини табриклэдик. Биз буерда Сиз Ҳазрат Олийларини табриклаб, бугун айниқса катта бахтга сазовор бўлдик, деб ҳисоблаймиз. Ана шу бахтли воқиа муносабати блан буергэ тўпланган жуда кўп кишилар халқимизнинг туйғуларидан далолат беради.

Бизнинг бош министримиз бундан беш ой муқаддам Сизнинг улуг мэмлакатингизда бўлган эди. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва унинг халқига бош министримизнинг самимий кутиб олганликлари учун чин вўнгилдан ташаккур изҳор қилишни истайман. Бу кутиб олиш халқимизга ғоят катта та'сир қилди. Ана шу учрашув ҳар иккала мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик вэ тинчликка интилишнинг символи бўлди.

Жаҳон тарихининг ҳозирги пайтида ҳукуматимизнинг вэ ҳинд халқининг таклифига мувофиқ, Сиз Ҳазрат Олийларининг бу визити жуда катта воқиадир. Бу визит Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасида кучайиб бораётган дўстликни та'кидлайди ва мустаҳкэмлайди. Биз шунга аминмизки, ана шу дўстлик мамлакатларимизга фойдали бўлиши блан бирга бизнинг қалбимизга жуда азиз бўлган халқаро тинчлик вэ ҳамкорлик ишини илгари силжитишга ҳам ёрдам беради.

Бизнинг дўстлигимиз бирор мамлакатга ёки бирор халққа қарши қаратилган эмас. Ҳиндистон ўз олдига қўйишга интилган ва шу йўлда хизмэт қилишга интилган мақсад — барча мамлакатлар блан дўстона муносабатлар ўрнатишдан, ҳатто сиёсат соҳасида фикрлэр бир-бирига тўғри келмаганида ҳам дўстона муносабатлар ўрнатишдан иборат. Биз ана шу сиёсат тинчлик вэ ҳамжиҳатлик ишига мэ'лум даражада ёрдам берди, деб ўйлашга жур'ат қиламиз.

Бизнинг халқимиз сиз Ҳазрат Олийлари Булганин жанобларининг июнь ойида бош министримиз блан биргаликда чиқэрган баёнотинигизни табриклади. Актив вэ тинч тотув бўлиб яшашдан иборат беш принципга бўлган ишончни тасдиқловчи ана шу баёнот тарихий аҳамиятгэ эгадир. Ҳиндистонда «Панча шила» деб аталадиган шу беш принцип Ҳиндистон блан Хитой ўртасидаги битиммизга асос қилиб олинганидан буён улэр Шарқ ва Ғарбдаги кўп мамлакатлар томонидан аста-секин қабул қилинаборди ва тинчликни сақлашнинг асосий принциплари бўлиб қолди. Ҳиндистоннинг сиёсати ана шу принципларга вэ барча мамлакатлар блан дўстона муносабатларни сақлашга асослангандир.

Бу сиёсатда ҳечқандай янги нарса йўқ. Бу сиёсат Ҳиндистон кўп йиллар мобайнида ўйлаб келган нарсанинг тэбиий натижасидир. Бундан 2.300 йил муқаддам буюк император Ашока ўзининг барча кишиларга нисбатан, уларнинг бир-бирларидан қэндай бўлмасин фарқ қилишларига қарамай, тоқат қилиш ва дўст бўлиш сиёсатини э'лон қилган эди ва ўз фэрмонларини шу кунгача сақланиб қолган ҳамда унинг мактубларини эсга туширадиган кўпгина тош колонналар вэ қоя тошларга ёзиб қолдиргэн эди. Бизнинг авлодимиз ана шу буюк иш йўлида хизмат қилиш шарафига муяссар бўлганлигидан фахрланамиз ва бундэн ғоят миннатдормиз.

Тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ва бахтга қарши бутун дун'ёни қўршаб олган кескинликни ва қўрқувни камайтириш учун Сиз Ҳэзрат Олийлари ҳукумати томонидан кўрилган кўп тэдбирларни Ҳиндистон халқи ғоят қадрлайди. Жуда қийин проблемаларнинг кўпи ҳали ҳал этилиши лозим бўлса ҳам халқаро аҳвол ҳозирданоқ яхшиланди. Аммо, эҳли расо кишиларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда уруш масалани ҳал этиш йўли эмас, уруш маглубиятни э'тироф этишдир, бу маглубият ҳозирги цивилизацияни ҳайрон қилиши мумкин, деб э'тироф этдилар. Рус халқи тинчлик ишига содиқ эканлигини ва ўз мамлэкатининг осойишталиги вэ прогрессини та'минлаш учун ўзининг буюк мамлакатини мустаҳкамлаш йўлида бутун кучларини сафарбар қилэётганлигини яхши биламиз. Биз, Совет Иттифоқининг ана шу конструктив ҳаракатда эришаётган муваффақиятларини зўр иштиёқ блан қузатиб турибмиз ва бу муваффақиятларга юксак бэҳо берамиз. Бу конструктив ҳаракат Совет Иттифоқини фан соҳасида ва фанни татбиқ қилиш соҳасида биринчи ўринга қўйди.

Бизнинг ҳар иккалэ мамлакатимиз ўзининг сиёсий ва социал системаси жиҳатидан бирмунча фарқ қилади. Шундай бўлса ҳам бизнинг ўртамизда ва ўз олдимизга қўйган мэқсадлар ўртасида умумий бўлган нарсалар кўп ҳамда ҳамкорлик қилиш учун жуда катта имконият бор. Биз фан, техника ва савдо-сотиқ соҳасида ана шу ҳэмкорлик кучайиб бораётганлигидан бахтиёрмиз. Совет Иттифоқи каби ва бошқа кўп мамлакатлэр каби биз ҳам қуролсизланиш тўғрисидаги масалани ҳал этишга интилмоқдамиз. Бундан мақсад — уруш олдидэги доимий қўрқувни йўқотишдан ва ҳарбир мамлакэтнинг эркинлик ва тинчлик вазиятида яшаш имкониятига эга бўлишидан иборат.

Сиз Ҳазрат Олийлари Ҳиндистоннинг қаерига бормангиз, халқимиз томонидан самимий кутиб олинишингизга эминмиз. Бу нарса бизнинг Совет Иттифоқи халқига нисбатан яхши ниятимизни расмий табриклномадан кўра, яхшироқ исбот этучи далилдир.

Сиз ана шу шаҳар граждэнларининг Совет Иттифоқи халқига табригини ва шу халқнинг улуг мамлакатининг бундан буён ҳам ривожланиб гуллаб-яшнашини чин кўнгилдэн истаганликларини топширарсиз деб ишонамиз. Биз шунга аминмизки, Сизнинг Ҳиндистонда бўлишингиз Сиз учун ёқимли бўлади ва озодликка эришганлиги туфайли янгидан барпо бўлаётган ана шу қадимги мамлакэтнинг халқи тўғрисидаги хотиралар Сизнинг эсингизда абадий сақланиб қолади. Сизни Деҳли шаҳри ва унинг граждэнлари номидан табриклэш имкониятига эга бўлганлигимиз туфайли Сиздан миннатдормиз. Биз, дўстлигимиз ва яхши ниятимизнинг нишонаси сифатида Деҳлининг машҳур ҳунармандлэри томонидан тайёрланган бадиий буюмларнинг бирнеча нусхасини Сизларга тақдим қилишга жур'ат этамиз.

Яшасин ҳинд вэ совет халқларининг дўстлиги!

Сизга самимий ҳурмат блан қаровчи Деҳли гражданлари.

Деҳли, Рамлила майдони, 1955 йил 19 ноябрь.

☆☆☆

Табрикнома ўқиб берилганидан кейин Р. Н. Агарвал шойига зар блан тикилган шу ҳужжатнинг текстини, шунингдек ўз сан'ати блан машҳур бўлган Деҳли наққошларининг фил суягидан ясаган буюмларини Н. А. Булганинга ва Н. С. Хрушчевга тақдим қилди.

Ж. Неру Н. А. Булганинга сўз беради. Митинг қатнашчилари Совет ҳукуматининг бошлиғини қизғин олқишлар блан табриклайдилар.

Н. А. Булганин нутқи

Ҳурматли Бош министр жаноблари, Деҳли шаҳар Муниципалитетининг Раиси жаноблари!

Азиз дўстларимиз, Ҳиндистоннинг шонли пойтахти бўлган ажойиб Деҳли шаҳрининг эркак ва аёл гражданлари!

Аввало Ҳиндистон ҳукуматига ва мухтарам Бош Министр Жавоҳарлал Неру жанобларига бизни илтифот блан чақирганликлари учун шахсан ўз номимдан, ўртоқ Хрушчев номидан, биз блан бирга келган дўстларимиз номидан ташаккур айтишга ижозат берингиз. Уларнинг бизни илтифот блан чақириши буюк мамлакатингизга келишимизга, унинг талантли ва меҳнатсевар халқини яқинроқ билиб олишимизга имкон берди. **(Қарсаклар).**

Бизларни самимий кутиб олганликларингиз учун сизларнинг ҳаммангизга ҳам ташаккур айтишга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).** Мана шундай самимий кутиб олинганлигимиз бизларни жуда ҳаяжонлантирмоқда ва биз буни буюк ҳинд халқининг Совет Иттифоқи халқларига самимий дўстлигини кўрсатучи намойиш деб билмоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон халқларига чин қалбдан ва бегараз дўстлик ҳислари блан тўлиб-тошган барча совет кишиларининг қизғин саломини ва энг яхши истакларини сизларга ва сизлар орқали Ҳиндистоннинг бутун 400 миллионлик халқига топширамиз. **(Қарсаклар).**

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар кўпдан буён туғилган эди ва бу дўстона алоқалар жанжаллар ёки душманлик блан ҳеҳқачон ҳираланган эмас. Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасидаги дўстлик ҳислари мамлакатимизда улуг Октябрь революцияси бўлганидан кейин айниқса ўса ва ривожланабошлади. **(Қарсаклар).**

Совет кишилари асрлар бўйи давом қилган зулмдан қутулганларидан кейин Сизларнинг миллий мустақиллиги тиклаш учун фидокорона олиб борган курашингизга чуқур ҳайрихоҳлик блан қараб келдилар. Сизларнинг бу курашдаги муваффақиятларингиз бизларни қувонтираверди, чунки биз айрим халқларнинг бошқа халқларни эзишига ҳамиша қарши бўлиб келганмиз. **(Қарсаклар).** Улуг йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин давлатларнинг тенглигини э'тироф қилишни, ҳамма халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил давлат бўлиб яшаш ҳуқуқи борлигини э'тироф қилишни совет ташқи сиёсатининг асосий принципларидан бири деб э'лон қилди. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон мустақил ўзуверен давлат бўлиб қолган пайтдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида дўстликнинг ривожланиши учун янги, янада қулайроқ шароит вужудга келди.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон республикаси ўз мэмлакатларини мустаҳкам ва ишончли негизга, территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, бирор иқтисодий, сиёсий ёки идеологик тэрэдаги баҳоналар блан бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, шунингдек тинч-тотув бўлиб яшаш негизига қурмоқдалар. Ҳиндистон вэ Хитой Халқ Республикаси томонидан биринчи марта э'лон қилинган ва сизлар «Панча шила» деб ном берган бу беш принцип эндиликда барча тинчликсевар кишилар томонидан ма'қулланди ва бирқанча давлатлар томонидан самарали равишда амалга оширилмоқда. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон ҳукумати тинчликни мустаҳкамламоқ ва халқаро кескинликни юмшатмоқ учун кўп ишлар қилди ва қилмоқда. **(Қарсаклар).** Четэл босқинчиларидан ўз ерини қўлига қурол олиб неча марталаб қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва уруш халқларнинг бошига нақадар беҳисоб қулфатлар келтиришини айниқса яхши билган совет халқи Ҳиндистон ҳукумати ва халқининг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида куч ва ғайрат сарфлаётганлигини чин кўнгилдан табриклмоқда. **(Қарсаклар).**

Халқаро миқ'ёсда бизларнинг мамлакатларимиз бутун дун'ёда тинчлик ўрнатиш учун олиб борилаётган олижаноб ва улуғ курашда иттифоқчилар сифатида майдонга чиқмоқда.

Бирлашган Миллэтлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқини тиклаш сингари жуда муҳим масалада Совет Иттифоқи сингари Ҳиндистон ҳам изчил ва қат'ий позицияда турганлигини айниқса ҳурсандлик блан қайд қилиб ўтамиз. **(Қарсаклар).**

Мамлакатимизнинг халқлари ҳинд халқининг ва ҳукуматининг ўз миллий экономикасини ривожлантириш ишида, айниқса ўз саноатини ривожлантиришда сарфлаётган куч ва ғайратига катта ҳайрихоҳлик блан қарамоқдалар. **(Қарсаклар).** Фақат шундай сиёсатгина мустақил ривожланиш йўлига тушган давлатнинг чинакам мустақиллигини та'минлаши мумкинлигига биз ўз тажрибамизда қат'ий ишонганмиз. Албатта, сизлэр ҳали бирталай қийинчиликларни енгишингиз керак бўлади, лекин биз шу нарсага аминмизки, Ҳиндистоннинг меҳнатсевар ва талантли халқи ўз олдига қўйган мақсадга эришаолади. **(Қарсаклар).** Биз ҳам саноат корхоналари, электростанциялар, гидроиншоотлар қуриш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги тажрибаларимизни ва бошқа муваффақиятларимизни сизлар блан ўртоқлашишга тайёрмиз.

Чинакам тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун зарур бўлган шароитнинг ҳаммаси ҳозир вужудга келтирилган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора кенгайиб бормоқда ва ҳартомонлама муносабатлар характерини тобора кўпроқ олмоқда. Бу муносабатлар иқтисодий соҳадан ташқари, фан ва маданият соҳасини ҳам ўз ичига олмоқда. Бу нарса айниқса қувонтиради, чунки кенг маданий алоқа, бир халқнинг иккинчи халқда бўлган маданият ҳазиналаридан бахраманд бўлиши уларни бир-бирига яқинлаштиради ва ма'навий жиҳатдан бойитади. Биз маданият ва сан'ат соҳаларида ҳартомонлама ва кенг алоқалар бўлишига тарафдормиз.

Ҳиндистон блан Совет Иттифоқининг ижтимоий ва сиёсий тузуми турличадир, лекин халқларимиз ўртасида жуда кўп умумийлик бор, бу умумийлик эса дўстлигимизни мустаҳкамлайди, бу дўстликни фақат Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи учингина эмэс, балки бутун дун'ё учун ҳам мустаҳкам ва самарали қилади **(Қарсаклар).**

Совет ва ҳинд халқлари ўртасидэги умумийлик шундан иборатки, улар тинчликсевар ва меҳнатсевар халқлардир, иқчилик ва мустамлакачилик бу иккала халққа ёт бир нарсадир. Улар тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, барча мамлакэтларнинг дўст бўлиши ва ҳамкорлик қилиши учун, миллий суверенитет ва халқаро хавфсизлик учун актив равишда курашмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Яшасин Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги! **(Гулдурос қарсаклар).**

Жай Ҳинд!

Бу нутқнинг охирида «Яшасин Ҳиндистон!» деб ҳинд тилида айтилган сўзлар митингда ҳозир бўлганлэрнинг гулдурос қарсаклари ва табрик хитоблари блан кутиб олинди.

* * *

Сўнгра Ҳиндистон Республикэси Бош Министри Жавоҳарлал Неру нутқ сўзлади. У, митингда тўпланганларга мурожэат қилиб, бугунги жуда катта «гражданлик қэбули»нинг қатнашчилари бу кунни узоқ вақт эсда сақлэб қоладилар, деб айтганида унинг бу сўзларини ҳамма қизғин қарсаклар блан вэ мэ'қулловчи хитоблар блан кутиб олди.

Жавоҳарлал Неру нутқи

Мен бундан 5 ой муқаддам Совет Иттифоқига бориб келган эдим. Бугун биз бу ерда, Ҳиндистон пойтахтида, Совет Иттифоқининг жуда отоқли икки раҳбарини табрикламоқдэмиз. Мен Москвада Совет Иттифоқининг раҳбарлари блан кўпгинэ масалаларни муҳокама қилишга муяссар бўлган эдим вэ бу ерда ҳам бир-биримизни қизиқтирадиган масалаларни муҳокама қиламиз.

Броқ, менинг Совет Иттифоқигэ қилган сафарим вэ Булганин жаноблари блан Хрушчев жанобларининг Ҳиндистонгэ қилган сафари иккэла мамлакат етакчи намояндаларининг учрашувигина бўлиб қолмайди. Бу учрашувлар ҳарқанча эҳамиятли бўлишдан қат'ий назар, буларнинг та'сири янадэ чуқурроқ бўлади ва каттароқ натижалар беради.

Мен Совет Иттифоқига борган вақтимда у ерда жуда кўп совет кишилари блан учрэшган эдим. Уларнинг ҳаммаси менга ўзларининг ҳайриҳоҳликларини ва яхши ниятда эканликларини тўлиқ кўрсэтган эдилар. Булганин жаноблари блэн Хрушчев жаноблари Деҳлида бир кундан кўпроқ бўлдилар, лекин улар халқимизнинг ўзларига кўрсэтаётган қизғин меҳмондўстлигининг қандайдир бир қисмини ҳозирданоқ ҳис қилган бўлсалар керак.

Улар Ҳиндистоннинг бошқа катта шаҳарлэрига ҳам борадилар. Мен аминманки, улар ҳамма жойда ҳам шу тахлитда

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлида бўлишлари муносабати блан митинг

(ОХИРИ, БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Демак, бу учрашув ҳарқанча, баланд мансабда турган эйрим шахсларнинг учрашувигина эмас, шу блан бирга икки буюк халқнинг ҳам учрашувидир, шунинг учун ҳам бу учрашув катта тарихий аҳамиятга эгадир. Бизнинг отоқли меҳмонларимиз кеча эрта саҳарда Тошкентдан Ҳиндистонга қилган саёҳатларини бошладилар. Улар баланд тоғларнинг тепасидан учиб ўтиб, шу куннинг ўзида тушган кейин Деҳлига етиб келдилар. Ҳиндистонни шимолда ва шарқи-шимолда бошқа мамлакатлардан ажратиб турган баланд тоғлик тўсиқ бизларни бир-биримиздан ажратадиган девор бўлмай қолди. У икки мамлакатимизни бир-бирига боғловчи алоқа воситаси бўлиб қолмоқда. Бу ҳам муҳимдир, мана шунинг ўзи бизни ҳозирги дун'ё бир-бири блан нақадар боғланган экэнлигини аниқ тушуниб олишга мажбур қилади. Бу ўзаро боғланиш ва бу ўзаро муносабатлар фақат географик характергагина эга эмас, булар фақат алоқа воситаларининг ривожланганлиги туфайлигина бўладиган нарсалар эмас, яна да кўпроқ даражада бир-бирига боғланаётган идеялар оқиминнинг ва бир-бирини тушунишнинг натижасидир. Бир-бирини тушиниш балки бу дун'ёни аста-секин ягона қилиб қўяди.

Менга шу нарса яхши ма'лумки, ҳозирги вақтда дун'ё яхлит эмас, қўрқув ва гумонсирашлар мамлакатларни бир-биридан ажратиб турибди. Броқ, биз ҳаммамиз бир-биримиз блан янада яқинроқ муносабатларни муқаррар вужудга келтирамиз. Биз воқиаларнинг шу тахлитда боришини тезлиқлаймиз, шунинг учун ҳам биз, Ҳиндистонда, эшикларимизни ва деразаларимизни бутун дун'ёга кенг очиб қўйишни истаймиз, токи турли мамлакатларнинг халқлари ўртасида кўпроқ ҳамжиҳатлик бўлсин ва ҳарқайси халқ, гарчи бошқа халқдан кўп жиҳатдан фарқ қилса ҳам, бошқа мамлакатда бўлган яхши нарсаларни ўрганиб оладиган бўлсин.

Келишув нуқталари келишмовчилик нуқталарига қараганда анча кўпроқдир. Инсониятнинг асосий мақсадлари ҳаммамиз учун умумийдир. Шу сабабли, биз тинч тотув бўлиб яшашга динамик ва позитив ёндошиш деб аталган нарсани рўёбга чиқаришга Ҳиндистонда да'ват қилиб келдик ва да'ват қилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам биз бу ерда панча шила деган ном остида ма'лум бўлган ва ҳужум қилмасликни, аралашмасликни ва ҳамкорлик қилишни, ҳарқайси мамлэкат бошқалар аралашмагани ҳолда ўзича яшайдиган бўлишини кўзда тутучи беш принципни бошқаларга тақдим этишни ўз зиммамизга олишга жур'ат қилдик. Совет ҳукумати ва халқи ҳам шу беш принципга қўшилганлиги учун бахтиёрман ва шу принципларни қабул қилучи мамлакатларнинг сони тобора кўпроқ бўлишига аминман, чунки цивилизацияли инсоният учун бундан бошқача йўл йўқ.

Биз Ҳиндистонда ҳозирги замоннинг отоқли намояндаси Махатма Ганди йўлидан бормоқдамиз, у бизларни нафрат ва зулмдан қутилишга, ҳамма блан дўст бўлишга ва шу блан бир вақтда ўз э'тиқодларимизга ва принципларимизга риоя қилишга чақирган эди. Биз ҳатто бизнинг фикримизга қўшилмаганларга нисбатан ҳам шу йўлни татбиқ этишга жур'ат қилмоқдамиз, шунинг учун ҳам биз мамлакатлар орасида ўзимизга кўпгина дўстлар ортдиришга ва, менинг фикримча, душманлар ортдирмаслиққа муваффақ бўлдик. Ҳарҳолда биз ҳеҳқандай мамлакатга ҳеҳқандай душманлик қилаётганимиз йўқ.

Ҳиндистон халқи буюк совет халқига мана шу руҳда қарамоқда, у блан дўстлик ва ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Биз оддий кишиларимиз ва бошқа бирон мамлакатга нисбатан бизда рақобат қилиш ҳислари йўқ. Броқ, биз ўзимиз танлаб олган социалистик йўл асосида мамлакатимизни шундай реконструкция қилмоқчимизки, токи Ҳиндистонда ҳарбир киши тараққиёт имкониятларидан тўла равишда фойдаланаоладиган бўлсин.

Шу жиҳатдан қараганда, биз инсон фаолиятининг кўпгина соҳаларида Совет Иттифоқининг катта муваффақиятлари асосида кўп нарсани ўрганишимиз мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кундаги дун'ёда кўпгина қийин проблемалар бор, лекин биз шу нарсага аминмизки, ҳарқайси проблема тинч ҳамкорлик қилиш методлари воситаси блан ҳал қилиниши мумкин. Биз аввало тинчлик учун курашамиз, чунки тинчлик бизга ва бошқа халқларга зарурдир, шунинг учун ҳам биз тинчлик учун ишлаётганларнинг ҳаммасига ўртоқмиз.

Отоқли меҳмонларимизни табриклямоқ учун шахсан ўз номимдан бирор сўз қўшишнинг ҳожати йўқ, улар бу табрик сўзларини мамлэкатимиз кишиларининг қизғин ва дўстона қарашларидан ўқиб олдилар.

* * *

Ҳиндистон Бош Министрининг нутқи қизғин қарсаклар блан неча қайталаб бўлиниб турди. Неру ўз нутқининг охирида «Яшасин Ҳиндистон-Совет дўстлиги», «Жай Ҳинд», «Яшасин бутун дун'ёда тинчлик» деб хитоб қилди. Унинг бу шиорларини митинг қатнашчилари бўлган юз минглаб кишилар қувватладилар.

Деҳли оқшоми бошланди. Чироқлар ёқилди. Ҳинд архитектурэси учун характерли бўлган баланд оқ трибуна прожекторлар нури остида ярқираб турди. Майдон атрофидаги катта дарахтларнинг барглари орасида ранг-баранг чироқлар милтиллаётган эди. Ҳиндистонда гўзал бир одат бор:— парклардаги дарахтларга ранг-баранг чироқларни осиб қўядилар. Бу нарса товланиб отиладиган мушаклар худди бир нуқтада тўхтаб қолгандек ажойиб гўзал манзарани вужудга келтиради. Шаҳарнинг майдон атрофидаги биноларида ҳам ранг-баранг чироқлар товланмоқда эди.

Митинг охирида оркестр Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси Гимнларини ижро этди.

Митинг қатнашчилари Деҳли кўчаларига чексиз оқим сингари тарқалди.

Мэйдон атрофидаги маҳаллаларни лиқ тўлдириб турган минг-минглаб кишилар Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни митингга келган вақтларида ҳам ва Рамлила майдонидан кетаётган вақтларида ҳам зўр қувонч блан табриклаб турдилар.

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РАДЖЕНДРА ПРАСАД Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВ УРТОҚЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Президенти Раджендра Прасад бугун ўз саройида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинни ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевни қабул қилди.

Қабул вақтида СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков ва Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимидан кейин Ҳиндистон Республикасининг Президенти Раджендра Прасад Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди. Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг барча ҳамроҳлари ҳам ҳозир бўлдилар. Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру, Ҳиндистон Вице-Президенти С. Радхакришнан, министрлар кабинетининг Деҳлида бўлган барча а'золари ва кабинет составига кирмаган министрлар, министрларнинг ўринбосарлари, Ҳиндистон армияси, флоти ва авиацияси штабларининг бошлиқлари, ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Ҳиндистон пойтахтидаги дипломатия ваколатхоналаринининг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти Сарвапалли Радхакришнан ҳузурига ҳурмат визити блан бордилар.

Қабул маросимида совет томонидан СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков ҳозир бўлди. Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру, ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Р. Пиллаи, ташқи ишлар министрлигининг секретари С. Датт ва Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон ҳозир бўлди.

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Деҳлидан 200 километр шарқи-жанубдаги Агра шаҳрида бўлдилар. Бу шаҳарда Буюк Мўғуллар империясининг қудрати авж олган даврдаги ме'морчилик ёдгорликлари кўп. Агра Деҳли блан бир қаторда Ҳиндистонда бирнеча аср мобайнида ҳукмронлик қилган ана шу династия императорларининг резиденцияси бўлиб келган эди.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳларини Аграга келтирган самолётлар шаҳардан 12 километр нариги аэродромга қўнди. Бу ерда меҳмонларни Уттар Прадеш штатининг губернатори К. М. Munши ва маҳаллий граждан ҳамда ҳарбий ма'мурларнинг юқори мартабали вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонлар тушган машиналар шаҳарга бориш йўлида ана шу райондаги деҳқонлар ва бошқа кишиларнинг икки қаторқилиб тизилган зич сафлари орасидан ўтдилар. Шу районнинг деҳқонлари ва бошқа кишилари Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни табриклаш учун барвақт йўл бўйига чиққан эдилар. Меҳмонлар пайдо бўлганида: «Ҳиндлар ва руслар қардошдирлар!», «Яшасин Булганин ва Хрушчев!» деган табрик хитоблари янгради. Ба'зи жойларга радиокарнайлари ўрнатилиб, табрик сўзлари эшитдириб турилди.

Икки дўст мамлакатнинг минг-минглаб байроқларини кўтариб олган кишилар: «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин Ҳиндистон!» деб хитоб қиладилар.

Машиналар дарвозадан ўтиб, қўра ичига кириб келадилар. Шу қўра ичида Тожмаҳал ёдгорлиги жойлашган. Буюк Мўғуллар империяси ме'морчилигининг ана шу машҳур ёдгори XVII аср ўрталарида император Шоҳжаҳоннинг буйруғи блан қурилган эди. Тожмаҳал оқ мэрмардан қурилган ҳамда қимматли тошлардан ясалган орнамент блан безатилган жуда катта мақбарадир.

Тожмаҳал йигирма йил мобайнида Ҳиндистон, Эрон, Арабистон ва Туркиянинг энг яхши мастерлари ҳамда архитекторлари иштирокида неча ўн минглаб қулларнинг кучи блан қурилган эди.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳларини Аграга келтирган самолётлар шаҳардан 12 километр нариги аэродромга қўнди. Бу ерда меҳмонларни Уттар Прадеш штатининг губернатори К. М. Munши ва маҳаллий граждан ҳамда ҳарбий ма'мурларнинг юқори мартабали вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонлар тушган машиналар шаҳарга бориш йўлида ана шу райондаги деҳқонлар ва бошқа кишиларнинг икки қаторқилиб тизилган зич сафлари орасидан ўтдилар. Шу районнинг деҳқонлари ва бошқа кишилари Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни табриклаш учун барвақт йўл бўйига чиққан эдилар. Меҳмонлар пайдо бўлганида: «Ҳиндлар ва руслар қардошдирлар!», «Яшасин Булганин ва Хрушчев!» деган табрик хитоблари янгради. Ба'зи жойларга радиокарнайлари ўрнатилиб, табрик сўзлари эшитдириб турилди.

Икки дўст мамлакатнинг минг-минглаб байроқларини кўтариб олган кишилар: «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин Ҳиндистон!» деб хитоб қиладилар.

Машиналар дарвозадан ўтиб, қўра ичига кириб келадилар. Шу қўра ичида Тожмаҳал ёдгорлиги жойлашган. Буюк Мўғуллар империяси ме'морчилигининг ана шу машҳур ёдгори XVII аср ўрталарида император Шоҳжаҳоннинг буйруғи блан қурилган эди. Тожмаҳал оқ мэрмардан қурилган ҳамда қимматли тошлардан ясалган орнамент блан безатилган жуда катта мақбарадир.

Тожмаҳал йигирма йил мобайнида Ҳиндистон, Эрон, Арабистон ва Туркиянинг энг яхши мастерлари ҳамда архитекторлари иштирокида неча ўн минглаб қулларнинг кучи блан қурилган эди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳларини Аграга келтирган самолётлар иштирокида неча ўн минглаб қулларнинг кучи блан қурилган эди.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳларини Мақбара ходимлари кутиб олдилар. Улар марказий залнинг қиммат нарсалардан ясалган ички пардозларини ва шу залда ўйилган ва инкрустация қилинган мармардан ишланган тўсиқларни меҳмонларга кўрсатдилар. Бу залда Шоҳжаҳоннинг ва рафиқасининг қабрлари бор. Сўнгра Мақбара ходимлари меҳмонларни бинони айланиб ўтган айвонга олиб чиқдилар. Бу айвондан Жамна водисининг бутун манзараси намоён бўлади. Н. А. Булганин ялтираб турган оппоқ Тожмаҳалдан кетатуриб, ҳинд халқи қадимги маданиятининг ана шу ажойиб ёдгори блан таништириш имконини берганликлари учун штат губернаторига ва шаҳар ма'мурларига ўз номидан ва Н. С. Хрушчев номидан ташаккур изҳор қилди.

Шундан кейин, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев штат губернатори блан биргаликда яқин жойдаги Мўғул фортини бориб кўрдилар. Бу форт XVI асрнинг иккинчи ярмида қурилган.

Агранинг неча минглаб гражданлари форт дарвозалари ёнида Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни кутиб турар эдилар. Совет меҳмонлари кеча ва ўтган куни Деҳлида халқ блан қандай завқли учрашган бўлсалар, буерда ҳам ана шу учрашув такрорланди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев блан учрашишни уюштирган маҳаллий жамоат комитети а'золари бошчилигида Агра шаҳри аҳолисининг неча юзлаб вакиллари фортдаги сарой биноларининг залларидан бирига тўпландилар.

Комитет вакили Сингхал меҳмонларни табриклаб, нутқ сўлади. Меҳмонларга шаҳар жамоатчилигининг совғалари— маҳаллий усталар ишлаган буюмлар тақдим этилди.

Гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган Н. С. Хрушчев шуерда ҳозир бўлган кишиларга қарата қисқача нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчев нутқи

Сизларни ўз номимдан, менинг дўстим Николай Александрович Булганин номидан ва бизга ҳамроҳ бўлган дўстларимиз номидан табриклашга ва сизларга самимий туйғу ва яхши истакларимизни изҳор қилишга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги пайтда қалбимизда тўлиб тошган туйғуларни изҳор қилаоладиган сўзлар топилмайди. Биз буерда унча кўп вақт бўлмаган бир пайтда ҳинд халқининг ҳамма жойда кўрсатган дўстлигини гоят қадрлаймиз.

Мен сизларни ишонтириб айтаоламанки, бизнинг халқимиз ҳам Ҳиндистон халқига гоят самимий дўстлик туйғулари блан қарайди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Сизлар миллий озодликнинг ва ўз мамлакатингизни мустақил идора қилишнинг ажойиб баҳорини кечирмоқдасиз. Аммо, мен сизларни огоҳлантириб айтишни истайманки, сизлар ўз саноатингизни ва айниқса машинасозликни ривожлантираолганингиздагина озодлик ва мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин. **(Қарсаклар).**

Мен сизларга маслаҳат бермоқчи эмасман. Менинг фикримча, сизлар ҳамманарсани жуда яхши тушунасиз.

Биз ҳозиргина кишилар қўли блан ишланган ажойиб бинони, жуда яхши ишланган мақбарани кўрдик. Мен бу иншоотни кўрган пайтимда, менда икки туйғу пайдо бўлди: биринчи туйғу шундан иборатки, халқнинг улуғворлигидан, унинг сан'атидан, маданиятидан, маҳоратидан жуда хурсанд бўлдим. Ана шу маҳорат бундан кўп асрлар илгариёқ яшаган эди. Бу ёдгорлик—халқингизнинг ифтихоридир.

Аммо, менда бошқа бир туйғу ҳам туғилди. Корольлар ва подшолар кишининг меҳнатини аямаганлар, улар бу меҳнатни беҳад кўп сарф қилганлар, деган фикр менда беихтиёр пайдо бўлди. Корольлар ва подшолар ўз ихтиёрларидаги кишиларнинг қўли блан ана шундай ёдгорликларни вужудга келтириб, фақат бир мақсадни, я'ни ўзларининг шуҳратини ошириш мақсадини кўзда тутиб халқнинг куч ва маблағларини қуритганлар. Аммо, шу вақтларда миллион-миллион кишилар очликдан ўлган бўлсалар керак. Бир томонда бойлик ва иккинчи томонда қашшоқлик эди.

Масаладан четга чиққан бўлсам, кечирим сўрайман. Аммо, мен ана шу ёдгорликни кўздан кечирган пайтда менда пайдо бўлган туйғуларни айтишни истадим.

Меҳмондўстлигингиз учун, бизга тақдим этган ажойиб совғаларингиз учун яна бир марта раҳмат. Мен шахсан губернатор жаноблариға, биз блан бирга юрган унинг рафиқасига ва шаҳар ма'мурларининг вакилларига ташаккур изҳор қиламан. Мен ана шу учрашувни ташкил этган комитет а'золарига ҳам ташаккур изҳор қиламан.

Сизларнинг ҳаммангизга бахт ва саодат тилаймиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

Меҳмонлар сарой биноларини кўриб ва фортдан Жамна водиси манзарасини завқ блан тамоша қилиб, фортдан кетадилар. Қал'а деворлари ёнига тўпланган Агра аҳолиси совет меҳмонларини яна қизғин табриклади.

Шундан кейин, штат губернатори К. М. Munши Агра шаҳри ёнидаги боғлардан бирида Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берди. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевга губернатор номидан совғалар, шу жумладан Тожмаҳал мақбарасининг гоят моҳирлик блан ишланган модельлари тақдим этилди.

Н. А. Булганин бу совғалар учун губернаторга ва унинг рафиқасига самимий ташаккур билдирди ҳамда ўз номидан ва Н. С. Хрушчев номидан уларга совғалар топширди. Н. А. Булганин сўзининг охирида совет ва ҳинд халқларининг абадий ва бузилмас дўстлиги шарафига табрик хитоблари айтди.

Н. С. Хрушчев қабул маросимини ташкил этган кишиларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Николай Александрович Булганин ана шу ажойиб шаҳарда бизни самимий кутиб олганликлари учун буерда ўз номидан ва менинг номимдан ташаккур изҳор қилди. Мен унинг сўзларига қўшиламан ва сизларга самимий туйғуларимни ҳамда миннатдорчилигимни яна бир марта изҳор қиламан.

Н. С. Хрушчев Тожмаҳал моделини кўрсатиб, яна бундай деди:

Бу—мамлакатнинг улуғворлигини ва ҳинд халқининг маҳоратини кўрсатучи ажойиб совғадир. Бу совға бениҳоя қимматлидир. Биз сизларга тақдим этган совғаларга Ҳиндистонга нисбатан энг дўстона туйғуларимизни қўшамиз. Биз ҳаво очиқ бўлиб, қуёш меҳр блан нур сочган пайтдагина сизларнинг дўстларингиз бўлиб қолмаймиз. Биз ҳарқандай об-ҳаво шароитида сизлар блан дўстмиз ва агар ҳинд халқининг соғлигига зарарли бўлган бирор шабада, гуриллаб ўтучи шамол эсган пайтда бизни эсга олингиз, бизлар эса сизларни ҳечқачон унутмаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги абадий дўстлик! Раҳмат!

Губернатор Munши жавоб нутқида тақдим этилган совғалар учун ташаккур билдирди. У ҳатириб айтдики, Ҳиндистон барча мамлакатларга нисбатан доим яхши муносабатларда бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлишини истайди. У, тинч тотув бўлиб яшашнинг беш принципи халқлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам негизи бўлиб қолсин, деган истагини изҳор қилди ҳамда Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга келиши тарихий воқиадир, деди.

Туш пайтида совет меҳмонлари Аградан Деҳлига қайтиб келдилар.

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Р. Прасад Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига қабул маросими ўтказди

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Ҳиндистон Республикасининг Президенти Раджендра Прасад бугун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг барча ҳамроҳлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру, Ҳиндистон Вице-Президенти С. Радхакришнан, Ҳиндистон ҳукуматининг министрлари, дипломатия корпусининг а'золари, министрликларнинг мас'ул ходимлари, парламент а'золари, Ҳиндистон қуролли кучларининг офицерлари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ҳиндистон ва четэл журналистлари ва бошқа кишилар бўлиб ҳаммаси 2 мингга яқин киши ҳозир бўлди.

Қабул маросими президент саройининг богида гулзор ва фонтанлар орасида ўтказилди. Буерда ҳозир бўлган кишилар фахрий эскорт қузатишида бошқа кириб келган Президент Р. Прасад, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевни самимий табриклядилар.

Президент Р. Прасад жуда кўп меҳмонларни Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев блан таништирди ҳам шахсан ўзи Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевга сарой богчасини кўрсатди.

Қабул маросими тамом бўлганидан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Президент Р. Прасад блан биргаликда Ҳиндистон давлат гимни садолари остида богчадан чиқиб кетдилар.

Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Ж. Неру ҳузурида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Ж. Неру СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг барча ҳамроҳлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Ҳиндистон Вице-Президенти Радхакришнан, Ҳиндистон ҳукуматининг министрлари, министрликларнинг мас'ул ходимлари, Ҳиндистон қуролли кучларининг офицерлари, шунингдек чет давлатларнинг Ҳиндистон пойтахтидаги дипломатия ваколатхоналаринининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг соғлиги учун қадаҳ кўтарди. Оркестр Совет Иттифоқи Давлат гимнини ижро этди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Ҳиндистон Президенти Раджендра Прасаднинг соғлиги учун қадаҳ кўтарди. Оркестр Ҳиндистон Давлат гимнини ижро этди.

Шундан кейин Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру нутқ сўзлайди. (Ж. Нерунинг нутқи газетамизнинг келгуси сонида босилади). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин жавоб нутқи сўзлайди. (Н. А. Булганиннинг нутқи газетамизнинг келгуси сонида босилади).

Зиёфатдан кейин меҳмонларга Ҳиндистоннинг табиати ва мамлакатда янги қаёт қурилиши тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар кўрсатилди.

БИР ГРУППА СОВЕТ ГЕОЛОГЛАРИ ҲИНДИСТОНГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). «Ҳиндистан стандард» газетасининг хабарига қараганда, кеча совет мутахассисларидан бир группаси Деҳлига келган. Бу мутахассислар мамлакатнинг нефть ресурсларини разведка қилиш масалаларида Ҳиндистон ҳукуматига консультация берадилар.

СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари узоқ асрлардан берли давом этиб келаётган дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари блан боғлангандирлар. Олисдаги «ажойибатлар мамлакати» деб аталган Ҳиндистон кўпданоқ рус кишиларининг э'тиборини ўзига жалб этиб келди. Мард рус сайёҳи Афанасий Никитин XV асрдаёқ Волга соҳилларидан йўлга чиқиб Ҳиндистонга борди, у ерда бирнеча йил яшаб, ҳиндистонлилар блан савдо-сотиқ ишлари олиб борди. Петр I Ҳиндистон блан савдо алоқаларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Ҳиндистонли савдогарларга барча рус шаҳарларида савдо қилиш ҳамда ярмаркаларга қатнаб туриш рухсат этилган эди.

Ҳиндистон тўғрисидаги энг дастлабки асарлардан бирини ёзган ҳоразмли олим Ал Бируний Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг ўзаро яқинлашуви ишига катта ҳисса қўшди. Ҳиндистонда уч йилга яқин яшаган ўзбек демократ шоири Фурқат Ҳиндистон халқларига катта ҳурмат блан қаради.

Россиянинг илғор жамоатчилиги Ҳиндистондаги воқиаларни зўр самимият блан қузатиб турди. Улуғ революцион демократлар: Белинский, Чернишевский ва Добролюбов Ҳиндистон ва унинг халқларини ҳурмат блан тилга олдилар. Белинский: «Ҳиндистон тарихдан фахрий ўрин эгаллашга сазовордир», деб ёзди. XIX асрда Россияда йирик индолог олимлар П. Я. Петров, И. П. Минаев Ҳиндистон тўғрисида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Машҳур рассом Верешчагин ва йирик сан'атшунос ва танқидчи Стасов Ҳиндистонга зўр қизиқиш блан қарадилар. Ҳиндистонда зўр ҳурматга сазовор бўлган улуғ рус ёзучиси Л. Н. Толстой рус-ҳинд маданий алоқаларининг ривожланиши учун кўп ишлар қилди. А. М. Горький ҳам Ҳиндистоннинг дўсти эди.

Совет давлатининг гениал асосчиси В. И. Ленин ҳинд халқининг ўз мустақиллиги ва демократик ҳуқуқлари учун олиб борган курашини зўр э'тибор ва ҳайрихоҳлик блан қузатиб турди. У ҳинд халқининг сиёсий активлиги ўсиб бораётганлигини табриклади, инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонда олиб борган сиёсатни тўла фош қилиб ташлади. В. И. Ленин ҳинд халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган кураш албатта ғалаба блан якунланишига қаттиқ ишонар эди.

Ўзаро ҳурмат ва бир-бирига ма'навий ёрдам кўрсатиш Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги муносабатлар учун жуда характерлидир. Ҳинд халқи олиб борган миллий-озодлик курашининг ривожланишига гоят зўр та'сир кўрсатган Улуғ Октябрь социалистик революциясини Ҳиндистоннинг прогрессив кучлари самимий табрикладилар. 1918 йил ноябрьда ҳинд халқининг биринчи делегацияси Москвага табрик хати олиб келди. Шу хатда бундай дейилган эди: «Ҳиндистон жаҳон демократияси манфаатлари йўлида эришган буюк ғалабангиз блан сизни табриклайди. Ҳокимиятни ўз қўлингизга олиб, сиз тантана блан э'лон қилган олижаноб ва инсонпарвар принципларга Ҳиндистон қойил қолди...» Отоқли ҳинд жамоат арбобларининг бизнинг мамлакатимизга қилган сафарлари Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишига ёрдам берди. 1927 йилда СССРда Мотилал Неру ва унинг ҳозир Ҳиндистоннинг Бош Министри бўлиб турган ўғли Жавоҳарлал Неру меҳмон бўлдилар. Ўша вақтдаёқ Жавоҳарлал Неру: «Россия блан Ҳиндистон энг яхши қўшнилар бўлиб яшамоқлари керак...», деб ёзган эди.

Ҳиндистоннинг 1950 йил 26 январьда мустақил республика деб э'лон қилинганлиги ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши мардонавор миллий-озодлик ҳаракатига ҳамиша чин кўнгилдан ҳайрихоҳлик қилиб келган совет кишилари томонидан гоят хурсандлик блан кутиб олинди. Ҳиндистон суверен давлат сифатида халқаро майдонга чиққанлиги ижала мамлакатларимизнинг кенг миқ'ёсда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилишига имкон берди.

Совет ва ҳинд халқларининг тинчликка интилаётганлиги тобора мустаҳкамланиб бораётган Совет-Ҳинд дўстлигига асос бўлмоқда. Бу дўстлик Ҳиндистон ва Совет Иттифоқининг ҳаётий манфаатларига тўла мос бўлиб тушмоқда, ижтимоий-иқтисодий системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашлари ва ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини ёрқин ифодаламоқда.

СССР блан Ҳиндистон халқаро жанжалли масалалар тинч йўл блан, музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этилиши лозим, деган фикрга таянмоқдалар. Улар агрессив ҳарбий гуруҳлар ва блоклар тузишга, бошқа мамлакатларнинг территорияларида ҳарбий базалар қуришга қарши бўлиб чиқмоқдалар. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон қуролларни ва қуролли кучларни камайтириш, атом, водород қуролларини ҳамда бошқа барча ялпи қирғин қуролларини йўқ қилиб ташлаш, атом энергиясидан тинч қурилиш мақсадларида фойдаланиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси Хитой Халқ Республикасига нисбатан олиб борилаётган камситиш сиёсатига қарши изчиллик блан курашмоқдалар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитойнинг қонуний ҳуқуқларини тиклашни талаб қилмоқдалар. Ҳиндистон Совет Иттифоқи ҳамда бошқа тинчликсевар мамлакатлар блан биргаликда Кореядаги ва Ҳинди-Хитойдаги урош ҳаракатларининг тўхтатилишида жуда актив қатнашди. Ҳиндистон ҳукумати Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив ҳарбий блокка (СЕАТОга) қўшилишдан қат'ий бош тортди. Америка-Покистон ҳарбий битимини қоралади, Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференциясини чақиришда зўр ташаббус кўрсатди.

Совет кишилари халқаро кескинликни юмшатиш ишига, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига Ҳиндистон қўшаётган ҳиссага юксак баҳо бермоқдалар. Совет халқи Ҳиндистон Республикаси ҳукумати бошлиғи Жавоҳарлал Нерунинг мамлакатимизга қилган сафарини қизғин табриклади. Совет ҳукумати раҳбарларининг Бош Министр Неру блан олиб борган ҳамда дўстона ва самимий вазиятда ўтган музокаралари шу йил 22 июньда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин блан Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру биргаликда чиқарган баёнотнинг имзоланиши блан якунланди. Катта тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги тўғрисида буюк ғамхўрлик руҳи блан суғорилгандир. Бу баёнотда та'кидлаб ўтилганидек, Совет-Ҳинд муносабатлари бир-бирларининг территориал бутунлигини ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш; ҳужум қилишмаслик; иқтисодий, сиёсий ёки идеологик характердаги ҳарқандай баҳоналар блан бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик; тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ва тотув яшаш принципларига таянади.

Ҳиндистон ҳукуматининг мамлакат саноатини ривожлантиришга кўп куч-ғайрат сарфлаётганлиги совет халқи учун тушинарлидир. Ҳиндистон ўз индустриалаш планларини амалга оширишда Совет Иттифоқидан амалий ёрдам олмоқда. Шу йил февраль ойида СССР ва Ҳиндистон ҳукуматлари Бхилайда Совет Иттифоқи ёрдами блан катта металлургия заводи қуриш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ҳозир совет ва ҳинд мутахассислари яқин ҳамкорликда бу заводни қуришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу завод ҳар йили бир миллион тонна пўлат ишлаб чиқараолади. Совет мутахассислари «Ҳиндустан газ компани» деган йирик хусусий фирма блан тузилган битимга мувофиқ Калькутта шаҳрида напильниклар ишлаб чиқарадиган завод қурмоқдалар. Бу завод учун керак бўлган барча ускуналар Ҳиндистонга олиб келинди.

Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида ривожланиб бормоқда. 1953 йил декабрьда СССР блан Ҳиндистон ўртасида савдо-сотиқни анча кўпайтиришни кўзда тутган савдо битими тузилди. Агар 1953 йилда Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқига қилган экспорти 3,6 миллион рупийни, импорти эса — 4,4 миллион руп

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноатга раҳбарлик янада яхшилансин

Фрунзе районы — **Фрунзе район партия конференциясидан** пойтахтимизнинг энг йирик саноат районларидан бири ҳисобланади. Бу ерда тўқимачилик саноати корхоналари учун керакли бўлган турли хил машина ва детальлар, аҳоли учун устки кийим-бош, пойафзал, қурилиш материаллари ишлабчиқарадиган ўнлаб саноат корхоналари бор. Шу туфайли ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат корхоналарининг ишини янада яхшилаш, техника прогресси учун кураш масалалари район партия конференциясининг диққат марказида бўлди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Осипованинг докладида саноат корхоналарининг тўхтовсиз ривожланаётгани тўғрисида кўпгина фактлар келтирилди: йигирув-тўқув, текислов машиналари, станоклар учун керакли бўлган асбоб-ускуналар ишлабчиқариш кўпайган. Район саноат корхоналари 10 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 103,6 процент бажардилар ва пландан ташқари 40 миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Район корхоналари бешйиллик планни 12 ноябрьдаёқ бажардилар. И. В. Сталин номли тўқимачилик комбинати ва бошқа йирик корхоналар бешйиллик планни бажариб, олтинчи бешйиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Конференция залида корхоналарнинг ишлабчиқараётган маҳсулотларини намойиш қилучи виставка ташкил қилинди, ранг-баранг қилиб осиб қўйилган диаграммалар ишчиларнинг машиналардан моҳирлик билан фойдаланиб, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётганликларидан далолат бериб турибди. Эришилган ютуқлар кўп. Аммо ютуқлар билан ҳечким қаноатланиб қолмади. Машиналар қувватидан тўла фойдаланиб, барча резервлар ишга солинганида янада кўпроқ ютуқлар қўлга киритилган бўлар эди. Конференция делегатлари ана шу муҳим масалаларга кўпроқ эътибор бердилар. Ҳарбир завод, цех ва ҳарбир участка давлат планини бажариши керак.

Лекин айрим корхоналар ўз олдиларига қўйилган планни бажармаётирлар. Райондаги 4 корхона 10 ойлик ишлабчиқариш давлат планини бажармади. «Таштекстильмаш» заводи, карборунд заводи, 1-нчи пойафзал фабрикаси каби корхоналар ассортимент бўйича берилган топшириқни бажармадилар. Бу корхоналарда маҳсулотнинг сифатига ҳам етарли аҳамият берилмади. Бу шунинг учун ҳам рўй бердики, район партия комитети бу корхоналарнинг хўжалик раҳбарларига ўз вақтида етарли талабчанлик кўрсатмади.

Конференцияда та'кидланишича район партия комитети КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан кейин ҳам саноат корхоналарига етарли раҳбарлик қилмаётир. Кўп делегатлар район партия комитетининг секретарьлари Ғуломов, Осипова, Кузнецов ўртоқларнинг саноатга раҳбарлик қилишдаги иш услубларини қаттиқ танқид қилдилар.

— Заводимиздаги қуюв цехининг ёмон ишлаётгани тўғрисида, — деди «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Рибалко, — район партия комитетида кўп гапирилди. Лекин цех ишини яхшилашга райком конкрет ёрдам бермади. Цех ҳамон ёмон ишламоқда.

Делегат ўртоқ Еживих район партия комитетининг ходимлари саноат корхоналарининг ишлари билан системали қизиқиб турмаётганликларини, ҳатто айрим корхоналарнинг қаерда жойлашганлигини ҳам билмэсликлари учун уларни танқид қилди. Райкомнинг секретарьлари жойларда жуда камдан-кам бўладилар, бўлганларида ҳам завод раҳбарлари билан гаплашиб, изларига қайтаверадилар, цехларда бўлмайдилар, ишчилар билан гаплашмайдилар. Улар саноат ишини чуқур ўрганиб, раҳбарлик қилишга ҳаракат қилмаётирлар. Район партия комитети корхоналарнинг партия ташкилотларига суянган ҳолда иш қилмаётир.

Делегатлардан Акопов, Шомансурова ўртоқлар Район партия комитетининг бўлимлари маҳаллий ташкилотлар билан етарли алоқада эмаслиги ҳақида бирқанча характерли фактлар келтирдилар. Кўпгинэ заводларда ички резервлардан тўлиқ фойдаланилмаётир.

— Бизнинг йигирув-тўқув фабрикамиз, — деди делегат Акимова, — кўп ойлар давомида дэвлат планини бажармади. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш планлаштирилади, уни ўзлаштириб олганимиздан кейин эса бошқа ассортимент маҳсулоти ишлабчиқариш ҳақидэ топшириқ оламиз. Бу ҳол машиналардан унумсиз фойдаланишга, иш унумининг пасайиб кетишига сабаб бўлаётир. Бундай ҳоллар тўқимачилик комбинэтида тез-тез содир бўлаётганига қарамай район партия комитети ва унинг саноат бўлими бу иш билан чуқур шуғулланмаётир. Биз райкомнинг саноат бўлими мудири ўртоқ Каратаеванинг нимэ иш билан шуғулланаётганини билмаймиз. Унинг саноат ишига та'сири сезилмаётир.

Делегатлар шаҳар, область партия комитетларининг саноатга ва олий ўқув юртларига етарли раҳбарлик қилмаётгани ҳақида ҳам гапирдилар. 1-нчи пойафзал фэбрикасининг бичучиси—делегат Корниенко Сталин номли тери заводининг ёмон маҳсулот ишлаб чиқараётгани пойафзалнинг сифатига катта та'сир кўрсатмоқда, деди. Бу ҳақда у, бирнеча бор шаҳар партия комитетига шикоят қилган, аммо унинг шикояти оқибатсиз қолиб кетган.

Педагогика институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ Афонина ўз сўзида область партия комитети мактаблар ва олий ўқув юртлари бўлими ва унинг мудири ўртоқ Иброҳимовнинг олий ўқув юртлари ҳаётидан ажралиб қолгани ҳақида кўпгина фактлар келтирди.

— Бир куни, — деди ўртоқ Афонина,— мактаблар бўлимидан бир ходим келди, биз билан гаплашди, сўнгра гапирган гапларимизни ёзиб беришни талаб қилди. Албатта биз ишдаги ютуқ ва камчиликларимизни ёзиб бердик. Орадан 3 ой ўтгач, институт партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига ўртоқ Иброҳимов ҳам иштирок қилди ва сўзга чиқди. У эски фактлар ҳақида узундан-узоқ гапирди, вақоланки у камчиликлар аллақачон тугатилган эди. Шу туфайли ҳам ўртоқ Иброҳимов коммунистларнинг ҳаққоний танқидларига учради. Бундай раҳбарликнинг кимга керагі бор?

Конференцияда сўзга чиққан кўпгина ўртоқлар район, шаҳар партия комитетларининг ходимлари аҳоли ўртасида тез-тез сиёсий докладлар қилиб турмаётгани, партия маорифи шоҳобчаларида машғулотларнинг юқори савияда ўтишига етарли аҳамият бермаётганликлари ҳақида ҳам гапирдилар.

Конференцияда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Сазонов сўзлади.

Фрунзе район партия конференцияси танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтди ва партия ташкилотининг галдаги вазифаларини белгилаб, резолюция қабул қилди.

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум район партия комитетининг биринчи секретари қилиб М. Ғуломовни, райком секретарьлари қилиб А. Осипова, Н. Кузнецов ўртоқларни сайлади.

М. ҒОЗИЕВ.

Идеология соҳасига э'тиборни кучайтирайлик

Сталин районининг **Сталин район партия конференциясидан** ҳўжалик ва маданий қурилишда тутган ўрни йил сайин ортмоқда. Район саноати тобора юксалиб, унинг ишлабчиқариш қуввати тўхтовсиз ошаётир.

Район саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани тобора кучайтириб, давлат планларини ошириб бажариш, техника прогрессини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида айрим муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бешинчи бешйиллик план муддэтидан илгари — 15 сентябрьда бажарилди. 1955 йилда саноат маҳсулотининг ҳажми 1950 йилдагига қараганда қарийб икки баравар, 1954 йилдагига нисбатан эса 23,3 процент ошди. Район саноати 10 ойлик планни ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 113,4 процент бажарди. Мамлакатга пландагидан ташқари 62 миллион сўмлик маҳсулот берилди. Меҳнат унумдорлиги бирмунча ошиб, маҳсулотнинг таннархи анча камайди. Пландан ташқари кўп миқдорда маблағ, хомаш'ё, электр энергияси тэжалди.

Яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида район партия ташкилотининг иши ҳақида ҳисобот доклади қилган райком секретари ўртоқ Степовая ва музокарадэ сўзлаган делегатлар эришилган ютуқларни қайд қилдилар. Шу билан бирга, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда, партиявий-ташкилий ҳамда партиявий-сиёсий ишлар соҳасида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганини кўрсатдилэр.

Конференцияда район партия комитети, бошлангич партия ташкилотлари кўпроқ хўжалик ишлари билан шуғулланиб, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларга кам э'тибор берганликлари кўрсатилди. Идеология ишлари, партия пропагандаси ва меҳнаткашлэр ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган.

Райондаги коммунистларнинг 25 процанти партия маорифи шохобчаларида ўқишга жалб этилмаган. 2-нчи пиво заводи партия ташкилоти (секретари ўртоқ Аҳмедов)да коммунистлар билан суҳбат ўтказилмай, КПСС тарихини ўрганиш бўйича ташкил этилган тўгаракка мэ'лумоти турлича бўлган кишилар ёзиб қўйилган. Марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганишга ҳоҳиш билдирган 250 га яқин коммунист партия маорифи шохобчаларида ўқиш бошланганига бирярим ойдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, шу чоққача ўқишга киришмаганлэр. Район партия комитети тайинлаган 30 консультант ҳалигача ўз ишларини бошлаб юборганлари йўқ. Айрим тўгарак ва сиёсий мактабларда машғулотлар паст савияда ўтказилмоқда.

— Бизнинг партия ташкилотимиз ҳузурида ташкил этилган тўгаракка, — деди 3-нчи нон заводининг ишчиси ўртоқ Зуйдов, — 18 киши жалб этилган. Лекин пропагандист бўлмагани сабэбли шу чоқ-қача машғулотлар бошланмади. Район партия комитети, унинг агитация ва пропаганда бўлими эса бу аҳволдан хабардор бўлганлари ҳолда тегишли чора кўрмадилар.

Районда лекция пропагандасига, маҳаллаларнинг меҳнаткэшлари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга етарли э'тибор берилмади. Ҳисобот даврида районда илмий-атеистик темада жуда кэм лекция ўқилган, айниқса Чилонзор, Чарҳкамолон, Кичик Қозиробод, Гулистон каби маҳаллалар э'тибордан четда қолмоқда, улар фақат сайлов кампаниялари вақтидагина эсга олинади.

— Район партия комитети ҳамда унинг агитация ва пропаганда бўлими, — деди делегат ўртоқ Мирҳўжаев, — оммавий-сиёсий ишларга кампаниячилик нуқтаи назари билэн қарайди. Маҳаллаларнинг меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар талабга мутлақо жавоб бермайди.

Делегат ўртоқ Мўминова район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари эскилик қолдиқларига қарши, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш фактэларига қарши кескин кураш олиб бормаётганликлари ҳақида гапириб, бундай деди:

Айрим ҳолларда балоғатга етмаган ёш қизларни эрга бериш ва юқори синфларда ўқиётган қизларни ўқишдан олиб қолиш ҳоллари юз бермоқда. Ўрта мактабни тамомлаган ўзбек қизларининг кўпчилиги ўқишни давом этдирмасдан, уйда ўтириб қолмоқда.

Делегатлардан Ғиёсов, Якуменко, Матвеев ва бошқа ўртоқлар районда чайқовчиларга қарши кескин кураш олиб борилмаётганини, айрим ёшлар ўртасида ахлоқий бузилиш ҳоллари рўй бераётганлигини, студентлар ва мактаб ўқучиларининг спиртли ичимликларни иste'мол қилишдари каби фактларга йўл қўйилаётганини кўрсатдилар.

— Тошкент молия-иқтисод институтининг партия ташкилоти, — деди ўртоқ Ғиёсов, — студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳали ҳам бўш олиб бормоқда. Институт студентлари ўртасида спиртли ичимликларни исте'мол қилишдари фактларга йўл қўйилаётганини кўрсатдилар.

Конференцияда район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими ҳамда унинг мудири ўртоқ Маҳмудов пассив ишлаётганлиги учун қаттиқ танқид қилинди.

— Агитация ва пропаганда бўлими, — деди ўртоқ Мирзокиров, — корхоналарнинг партия ташкилотларига оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда яхши ёрдам бермаётир. Жумладан, 2-нчи пиво заводида лекция ва докладлар жуда камдан-кам ташкил этилади, ишчи ва хизматчилар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган.

«Пласткож» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Глейзер район партия комитетининг ходимларини ишни кўпроқ хўжалик раҳбарлари билан битказишга ҳаракат қилиб, корхоналарнинг партия ташкилотларини четлаб ўтаётганликлари учун ҳаққоний танқид қилди.

— Айрим ҳолларда, — деди у, — райком ходимлари ҳатто партия ташкилотига тааллуқли масалалар бўйича ҳам хўжалик раҳбарларига мурожаат қиладилар. Район партия комитети партия ташкилотларининг секретарьларини қўллаб-қувватламайди, уларнинг обрўсини оширишга ҳаракат қилмайди.

Конференция йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган ва партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб беручи кенг қарор қабул қилди. Конференцияда район партия комитети, ревизия комиссиясининг янги состави, шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Райком секретарьлари қилиб В. Степовая, Ғ. Ҳусанов ва К. Жўраева ўртоқлар сайландилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахтэни йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш юзасидан районлэр, МТС, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил 11 ноябрьдан 21 ноябрьгача бўлган якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Гулистон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тўрабеков**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Маҳмудхонов**, пахтэ заводининг директори ўртоқ **Жидановский**) берилсин. Бу райси ўтган ўн кун ичида 3,13 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 98,41 процент миқдорида бажарган, топширилган пэхтанинг сифати яхши бўлган. Байроқ Пискент районидан олиб берилсин.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Бекобод районидаги **1-нчи «Далварзин»** совхозига (директори ўртоқ **Хомич**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Фаизова**) берилсин. Совхоз ўтган ўн кунликда 3.58 процент пахта тайёрлаб, йиллик плэнни 80,87 процент миқдорида бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган. Байроқ шу районнинг 2-нчи «Далварзин» совхозидан олиб берилсин.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи 2-нчи **Уртасарой машина-трактор станциясига** (директори ўртоқ **Погорелов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Пирмуҳаммедов**) берилсин. Бу МТСдэ кўрак теріш техникасидэн яхши фойдаланилган, байроқ 2-нчи Сирдар'ё машина-трактор станциясидан олиб берилсин.

4. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Бекобод районидаги **Каганович номли колхозга** (колхоз раиси ўртоқ **Тошбоев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Норжигитов**) берилсин. Бу колхоз ўтган ўн кунликда 8,4 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 101,1 процент миқдорида бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган. Байроқ шу районнинг Ленин номли колхозидан олиб берилсин.

5. **Гулистон районига** пахтани қўлда ва машинэда теришда алоҳида намуна кўрсатган колхозчилар ва МТС ишчиларини мукофотлаш учун 5 минг сўм пул берилсин.

Октябрь райони пахта тайёрлаш планини бажарди

КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Октябрь районининг пахтакорлари 21 ноябрьда пахта тайёрлаш давлат планини 100,2 процент қилиб бажардилар.

Пахта теріш ва давлатга топширишда райондаги Молотов номли, Ленин номли, «Сталинчи» колхозларининг а'золари айниқса намунали ишладилар. Бунинг натижасида улар пахта тайёрлаш планини ортиги билан бажаришга муваффақ бўдилар.

Район пахтакорлари етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай қисқа вэқтда йиғиб-териб олиш ва пландан ташқари яна қўшимча равишда 1500 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Район колхозларида даладаги қолган ҳосилни тезда йиғиб-териб олиш билан бирга, келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам пухта замин тайёрлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Янги усулни кенг қўллаб, пахта ҳосилини ошириш учун курашамиз

Колхозимиз а'золари бу йил чигитни агротехниканинг янги, прогрессив усуллари асосида экиб, пахта ҳосилини бирмунча оширишга эришдилар. Ғўза парваришни даврида механизациядан кенг фойдаландик. Натижада ҳар гектар ерда мажбуриятимизни қоплайоладиган даражада ҳосил бўлди. 410 гектар ернинг ҳаҳ гектаридан 32 центнердан пахта топширдик.

Жонажон партиямиз ва Совет ҳукумати биз пахтакорларга ўтган йиллардагидек бу йил ҳам катта ёрдам берди. Ана шу гамхўрликка амалий иш билан жавоб бериш учун пахтакорларимиз астойдил ишлашга, далада қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишга қарор қилдилар. Биз пландан ташқари ҳар гектар ердан 2,5 центнердан ҳосил йиғиб берамиз. Шунда бу йилги топширган пахтамиз ҳар гектар ерга 34,5 центнерданга тўғри келади.

Қаюмхўжа Тошхўжаев, Ғози Шўлатов, Қулмурод Довсайдов ўртоқлар бошлиқ бригадаларимиз бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш, уни йиғиб-териб олишда намуна кўрсатдилар. Бу бригадаларнинг ҳар гектар ериданўртача 34—36 центнердан пахта топширилди.

Йиғим-терим даврида кўпмингчилар ҳаракатининг кучайтирилганлиги жуда яхши натижа берди. Юзга яқин колхозчи мавсумда 7—10 тоннадан, беш колхозчи эса 11—17 тоннадан пахта терди. Колхоз партия ташкилоти йиғим-терим даврида жуда яхши ишлади, илғорлар тажрибаси мунтазам оммалаштириб турилди. Коммунистлар пахта теримида шахсан ўрнак бўдилар. Коммунист Раҳмонберди Ортиқов бу йил 11200 килограмм пахта терди.

1956 йилда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз. Бунинг учун колхозимизда барча имконият бор. Ҳозир МТСнинг 4 та трактори еримизни сифатли шудгор қилиб бермоқда. Кўрак терадиган ва ғўзапоя юладиган машиналар тўхтовсиз ишлаб, бу тракторларга кетма-кет ер тайёрлаб бермоқда. Ғўзапоя юлиш машиналарига СУЗ аппаратлари ўрнатилган. Колхозда дала ишлари конвейер усулида уюштирилганлиги ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш, ерларни шудгорга тайёрлаб беришда ҳал қилучи роль ўйнамоқда. Биз шудгорлашни 1 декабрьгача тугаллаш, далалар атрофига кўп миқдорда маҳаллий ўғит чиқариб қўйиш чораларини кўрмоқдамиз.

Пахта ҳосилини оширишда алмашлаб экишнинг аҳамияти зўр эканлиги барча пахтакорларга ма'лум. Биз келгуси йилда 40 гектар ердаги эски бедани бузиб, янгидан 50 гектар ерга беда экамиз. Эски бедапоялар шу кунларда бузиб ҳайдалмоқда.

Колхозда бу йил 50 гектар ерга чигитни 45х45 сантиметр қолган ерларга эса торқаторлаб экилганлиги туфайли ҳосилнинг яхши бўлганлигини амалда кўрдилар. Шунинг учун далаларимизни ҳозирдан бошлабоқ янги усулда чигит экишга тайёрлаб қўйиш учун курашамиз.

Колхозимизда пахтачилик блан бирқаторда, чорвачилик, картошка ва сабзавотчилик ҳам ривожлантирилмоқда. Бу йил давлатга кўп миқдорда чорва маҳсулотлари ва картошка ҳамда сабзавотчилик маҳсулотлари етказиб бердик.

Мўл ҳосил етиштирилганлиги туфайли даромадимиз ҳам анча кўпайди. Колхоз сметада белгиланганидан ортиқ—6 миллион сўм даромад қилди. Бунинг кўп қисми устама мукофот ҳисобига бўлди.

Молотов номли колхоз а'золари келгуси йили ҳам пахтачиликда янги усулни кенг қўллаш, алмашлаб экишни тўла жорий қилиш, агротехника қоидаларини усталик блан амалга ошириш, гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф блан бажариш учун курашадилар.

Ж. ПУЛАТОВ,
Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхоз раиси.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Колхозларда инвентаризация ўз вақтида ва пухта ўтказилсин

Қишлоқ хўжалик йили тугалланиб, колхозларнинг молия-хўжалик фаолиятини якунлаш даври яқинлашиб келаётир. Колхозларимиз олдида молия-хўжалик ишлари юзасидан йиллик ҳисобот тузиш каби катта вазифа турипти.

Йиллик ҳисоботни тузиш ҳарбир колхоз ҳаётида катта сиёсий ва хўжалик аҳамиятига эгадир. Тўғри тузилган йиллик ҳисобот колхоз ишлабчиқариши фаолиятининг барча томонларини, жамоат хўжалигини ривожланиришда эришилган ютуқларни, шунингдек ишни уюштиришда йўл қўйилган камчиликларни аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

Йиллик ҳисоботни тузишга катта тайёргарлик кўриш, бу ишда фойдаланиладиган барча ма'лумотларни пухта текшириш ва аниқлаш лозим. Бунда ҳаммадан олдин колхозларда инвентаризация ўтказилади. Инвентаризацияда хўжаликнинг бутун мулки-аш'ёси, подотчетлар бирма-бир кўздан кечирилиб текширилади. Пул, мулк ва барча материаллар рўйхатга олинади. Колхознинг бошқа ташкилот, муассаса, шахслар, шунингдек меҳнат кунлари юзасидан колхозчилар блан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳам текширилади. Инвентаризация натижасида колхознинг фондлари ҳолати, уларнинг сақланганлик даражаси, йил охирига келганда жамоат хўжалигининг ҳақиқий аҳволи яққол кўзга ташланиши лозим.

Инвентаризациянинг тўғри ўтказилиши хўжасизликка, колхоз мулки ва пул маблағларининг исроф қилинишига, ўғирланишига қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Бухгалтерия дафтарларига қилинган энг охирги ёзувлар ва шу ёзувлар асосида тузилган колхоз баланси инвентаризация ма'лумотлари блан солиштирилиб аниқлангандан кейингина ҳақиқий ҳужжат ва баланс бўлаолади.

Ўтган йил колхозларимизда инвентаризацияни ўтказишда бирқатор камчиликларга йўл қўйилган эди. Жумладан Чиноз, Бўка, Бекобод, Ховос ва бошқа районларнинг кўпгина колхозларида инвентаризация кечикиб ўтказилди. Бу эса йиллик ҳисоботни тузишнинг кечикиб кетишига сабаб бўлди. Сирдар'ё, Бўка районларидаги колхозларда инвентаризация комиссияси фақат декабрь ойи ўрталарида ташкил этилди, улар блан инструктаж машғулотлар ўтказилмади. Натижада колхозларда кўпгина бригадалардаги мулк-аш'ёлар текширилмай қолди. Бўка районидаги «Ленинобод» ва Ленин номли колхозларда эса жамоат хўжалигининг мулк-аш'ёси бухгалтерия дафтарларидаги ёзувлар блан солиштирилиб текширилмади.

Ба'зи колхозларда инвентаризация комиссиялари бригадаларга бириктирилган мулк,аш'ёларнинг бор йўқлигини тўла аниқламасдан, ишдан чиққанга ҳисоблайдилар ва дафтардан ўчириб юборадилар. Ҳолбуки, уларнинг шундай қилишга ҳақлари йўқ. Масалан, Чиноз районидаги «Қизил Октябрь», Сталин номли колхозларда, Октябрь районидаги Маленков номли, Сталин номли колхозларда инвентаризация комиссиялари 73 минг сўмлик ҳар хил аш'ёни ишдан чиққан деб дафтардан ўчириб юборганлар. Ҳолбуки, шундан 38 минг сўмлик нарса айрим шахсларнинг айби ва мас'улиятсизлиги натижасида йўқолган ёки ишдан чиққан. Бекобод районидаги Ленин номли, Сталин номли, Будённий номли колхозларда, Ховос районидаги Каганович номли, Ленин номли колхозларда ҳам инвентаризацияда шундай хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Ўртачирчиқ районидаги Киров, Сталин ва Андреев номли колхозларда, Октябрь районидаги Киров ва Сталин номли колхозларда ўтган йил 39 бош чорва моллари ўлди ва жамоат эҳтиёжи учун сўйилди, деган баҳона блан дафтардан ўчирилиб юборилган. Аммо бу фактни тасдиқлайдиган ҳечқандай ҳужжат бўлмаган. Бундай ҳолни бошқа районлардаги колхозларда ҳам учратиш мумкин. Ўртачирчиқ, Верхне-волинск, Сирдар'ё районларидаги айрим колхозларда колхоз маблағини талон-торож қилган бирқанча кишилардан 60 минг сўм пул кечиб юборилган. Ховос районидаги Карл Маркс номли колхозда уч йил давомида инвентаризация ўтказилмаган. Натижада колхозда 35 тонна дон ва бошқа маҳсулотлар талон-торож қилинган. Аммо бу маҳсулотларни ундириш учун ҳечқандай чора кўрилмаган.

Колхозда ревизия ва инвентаризация ўтказишда бундай камчиликларга йўл қўйиш мутлақо ярамайди. Жамоат мулки кўз қорачиғидай сақланиши керак. Колхоз мулкини бузган, йўқотган шахслар артель олдида жавобгар бўлишлари, жамоат мулкини талон-торож қилган шахслар эса колхоз тузумининг душманлари суфатида жавобгарликка тортилмоғи лозим.

Инвентаризация комиссияси составига ҳисобчилар, жамоат хўжалигининг илғорлари киритилиши ва унга колхоз раиси шахсан бошчилик қилиши керак, инвентаризация комиссияларига колхознинг тафтиш комиссиялари актив ёрдам беришлари зарур. Улар мол-мулк қолдиқларининг тўғри чиқарилиши, пул қолдиқларининг аниқ бўлишини қунт блан кузатишлари, инвентарь рўйхатлари ма'лумотларини дафтардаги ма'лумотларга солиштиришлари, мол-мулк ва пул маблағларнинг етишмаслиги ёки ортиқчалиги сабабларини пухта аниқлашлари керак.

Мавжуд мол-мулкларни турган жойида: омборларда, бевосита бригада ва фермаларда текшириш зарур. Бунда фақат текшириш пайтида мавжуд—кўзга кўриниб турган нарсаларгина инвентаризация рўйхатига киритилади. Рўйхатда мулк-аш'ёнинг ҳолати, сифати, миқдори, вазни, ортиқ ёки камлиги аниқ қайд этилиши лозим.

Колхозлар ҳар йили турли майда инвентарьлар, транспорт воситалари, от-улов асбоблари ва бошқа кўп нарсаларни сотиб олиб, бригада ва фермаларга топшириб қўяди. Бироқ бу нарсаларни эгасизлантириш, ишлатиш ва сақлашга яхши э'тибор бермаслик натижасида йил охирига келганда кўпгина асбоб-аш'ёлар синади, йўқолади, ҳатто ўғирланиб кетади. Бу ҳам жамоат хўжалигига анча зарар келтиради. Инвентаризация пайтида бунинг сабаби — аш'ёларнинг бор-йўқлиги, қандай ҳолатдалиги, улар учун кимлар жавобгарлиги, синган, йўқолган бўлса, айбдорлари кимлиги аниқланиши керак. Шу блан бирга айбдорлардан йўқолган, бузилган нарсаларни тўлашни талаб этиш, агар улар бундан бош тортсалар, колхоз правлениеси уларни судга бериши керак. Продукта, материалларнинг сақланиши, омбор бинолларининг ҳолати, уларнинг қўриқланиши ҳам кўздан кечирилиши талаб этилади.

Инвентаризация комиссиялари колхоз фермаларида молларнинг бутлигига алоҳида э'тибор беришлари керак. Ба'зи колхозларда чорвачилик ишига раҳбар бўлиб ўлган айрим жиноий шахслар чорвачилик учётини кассада чатоқлаштириб юборадилар. Улар туғилган молларни ўз вақтида ҳисобга олмайдилар, ўғирланган, нобуд қилинган моллар тўғрисида қалбаки ҳужжатлар тузадилар, катта ёшдаги молларни майда молларга, яхши молларни ёмон молларга алиштирадилар, ҳисобга киритилмай қолган молларни сотиб юборадилар ва хоказо. Инвентаризация комиссияларининг вазифаси—бу қамчиликларнинг барчасини очиш ва суиисте'мол қилучи шахсларни фош қилишдан иборат. Жиноий шахсларнинг колхоз ва давлат манфаатларига катта зарар етказадиган бу практикасига—чорва моллариии талон-тарож қилишларига кескин зарба бериш керак.

Колхозда инвентаризация рўйхатларини тузишнинг ўзи блан иш тугаб қолмайди. Балки, инвентаризация натижасида олинган ма'лумотлар жойлардаги—бригада, ферма, омбор ва правлениедаги рўйхатлар ҳамда бухгалтерия дафтарларидаги ма'лумотлар блан пухта солиштириліши, таққосланиб кўрилиши лозим. Шундай таққослаш ишнинг аҳволини тўла кўрсатади, колхоз бойлигини сақлаш ва ундан фойдаланишда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни очиб ташлашга ва булар тўғрисида амалий тадбирларни кўришга ёрдам беради.

Инвентаризация натижалари бригада ва ферма кенгашларида, колхознинг умумий мажлисида кенг муҳокама қилиниши керак.

Колхозларда эгасизликка қарши курашмоқ керак. Бригада, фермаларга берилган ҳарбир асбоб, буюм албатта айрим колхозчиларга бириктирилиши, артель Уставига мувофиқ бу колхозчилар ўзларига топширилиб қўйилган нарсанинг сақланишига ва улардан тўғри фойдаланишга қат'ий жавобгар бўлишлари керак.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари, инструктор бухгалтерлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхозларда инвентаризация ўтказишда қишлоқ хўжалик артели Уставига тўғри риоя қилинишини кузатишлари, ҳужжатлар блан танишишлари, агар бирон камчиликка йўл қўйилган бўлса уни тузатиш чораларини кўришлари керак.

Колхоз правлениелари яқин кунларда инвентаризация комиссияларини тузишлари лозим. Қишлоқ хўжалик органлари колхозларни инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги қўлланмалар, бланкалар, рўйхат ведомостьлари блан та'мин этишлари, инвентаризация комиссияларига уларнинг вазифаларини тўла тушинтиришлари зарур. Инвентаризация пухта ўтказилса колхозда ҳисоб-китоб ишн тўғри йўлга солинади, жамоат бойлиги тўла сақланади, хўжасизлик, ўғирлик, талон-торожликларга барҳам берилади, мол-мулк эгасизланмайди ва улардан унумли фойдаланиш имкони туғилади. Бу эса жамоат хўжалигининг янада ривожланишига ёрдам беради.

И. КАРПОВ.

„Ленинобод" колхози пахтакорларининг муваффақияти

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзамат колхозчилари янги, прогрессив усулни дадиллик блан қўлланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ана шу етиштирилган мўл ҳосилни тезда йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш мақсадида партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа бойроғини ҳарқачонгидан ҳам баланд кўтарган ҳолда ҳормай-толмай меҳнат қилдилар. Колхозчилар мавжуд 650 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ошириб пахта топшириб, пахтэ тайёрлаш давлат планини муддатидан анча илгари 103 процент қилиб бажаришга эришдилар. Давлатга топширилган пахтанинг 90 процанти отбор ва биринчи сортларга қабул қилинди.

Бригадэлараро бошланган социалистик мусобақада А. Рустамов, И. Умаров ва Алибоев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари голиб чиқиб, ҳар гектаридан 28—31 центнердан ошириб пахта топширдилар.

Колхознинг меҳнатсевар а'золари барча имкониятларни ҳисобга олиб, она-Ватанимизга янэ камида 170 тонна пахта топшириш ва ҳд қилдилар. Улар анашу мақсад блан фидокорона меҳнат қилиб, қолган ҳосилни тездэ йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

М. КАНЗАФАРОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ИИЛ 21 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,18	105,11	Калинин	0,19	97,20
Оржоникидзе	0,12	102,43	Бўка	0,27	96,60
Оҳангарон	0,35	100,99	Сирдар'ё	0,27	96,10
Юқоричирчиқ	0,12	100,52	Верхне-волинск	0,38	94,34
Пискент	0,12	100,42	Ўртачирчиқ	0,31	94,31
Ховос	—	100,15	Чиноз	0,35	91,62
Октябрь	0,56	99,95	Оққўрғон	0,23	89,76
Гулистон	0,66	98,41	Бекобод	0,50	85,78
Янгийўл	0,31	98,33	Қуйичирчиқ	0,21	83,25
Мирзачўл	0,50

Австрия парламент делегацияси Москвага келди

Австрия парламентининг Федерал Кенгаш Раиси А. Фриш бошлиқ делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан 20 ноябрьда Москвага келди. Делегация составида Миллий Кенгаш депутатлари Э. Айгнер, К. Чернец, Э. Фишер, Ф. Флоссман, И. Гриснер, А. Малета, Р. Мархнер, Ф. Принке, О. Пробст, В. Рейман, Р. Рот, Р. Шейх, Ф. Штробль, Федерал Кенгаш депутатлари А. Душек, Ф. Эккерт, И. Пфаллер, шунингдек делегацияга ҳамроҳ бўлган парламент директори Р. Розичкилар бор.

Австрия ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари блан безатилган Внуково аэродромида меҳмонларни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Министрлари; В. П. Елютин, Е. С. Новоселов, Н. И. Строкин, Г. С. Хламов, З. А. Шашков, СССР Министрларининг ўринбосарлари: В. А. Зорин, И. Ф. Семичастнов, СССР Олий Совети депутатлари: С. Жумаев, Т. М. Зуева, А. Е. Петрушев, А. С. Яковлев, РСФСР Олий Совети депутатлари: И. Н. Зимин, Л. Н. Соловьев, П. М. Трухин, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроқоми раисининг ўринбосари С. М. Бутусов, СССР Олий Совети Президиуми Канцелярия сининг бошлиғи Н. К. Козлов, СССР Олий Совети Президиуми Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, СССР ТИМ учинчи Европа бўлими мудири С. Г. Лапин, Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

Австрия парламент делегациясини Австриянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. Бишофф ва элчихона ходимлари ҳам кутиб олдилар.

... Соат 19. Самолет ерга қўнади. Аэродромда йиғилганлар делегацияни самимий табриклайдилар. Москва пионерлари меҳмонларга гулдасталар тақдим этадилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков Австрия парламенти депутатларига мурожаат қилиб қисқача нутқ сўзлайди. У бундай дейди:

Раис жаноблари!

Жаноб депутатлар!

Мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети номидан сизларни Совет Иттифоқи пойтахти Москвага келишингиз муносабати блан табриклайман.

Биз Сизларни Давлат шартномаси тузилганлиги натижасида тўла озодлик ва мустақиллик олган австрия халқининг вакиллари деб хурсандчилик блан кутиб олмоқдамиз.

Сизларнинг Совет Иттифоқига келганлигингиз, шубҳасиз, мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўрнатилган самимий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет гражданларининг ҳаёти ва тинч меҳнати блан танишиб чиқишингиз Сизларга совет гражданларининг австрия халқи блан ҳам, дун'ёдаги барча катта ва кичик халқлар блан ҳам дўст ва тотув бўлиб яшашни астойдил истаганликларига ишониш имкониятини беради.

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Австрия парламент делегациясининг бошлиғи А. Фриш жавоб нутқи сўзлади. У бундай деди:

Раис жаноблари, менинг азиз дўстларим!

Совет Ҳукуматининг бизларни Совет Иттифоқига таклиф қилганлиги бизларни гоят қувонтирди. Биз бу таклифнинг нима учун қилинганлигини билгач, айниқса қувондик. Австрия ва рус халқлари ўртасида дўстлик муносабатларининг ривожланти рилиши кўзда тутилади. Афсуски, тарих бизларнинг бир-бирларимиз блан дўст бўлмаган пайтларни ҳам билади. Тарихда шундай бўлади. Лекин биз бахтли тотувлик ўрнатиш йўлида турган ҳамма ғовларни тугатаолган пайтнигина тарихда прогресс деб ҳисоблаш мумкин. Биз бу таклифни ва ўзимизнинг шу ерга келганлигимизни шундай бир иш деб биламизки, бу иш ҳаммамиз ор зу қилган нарсада: бизнинг халқимизга тинчлик бўлишида, сизнинг халқингизга тинчлик бўлишида ва ҳар иккала халқнинг ўзаро тотув ва иттифоқ бўлиб яшашида дастлабки қадам бўлади.

Биз бугун эрта тонгда Венадан учиб кетганимиздэ ажойиб қуёшли кун эди. Сафаримиз жуда яхши бўлди. Афсуски, булут ба'зан узоқ жойларни қарашимизга халақит берди. Лекин бизларни Львовда ва Киевда совет кишилари ва ма'мурият вакилларп табриклаганларида хурсандчилигимиз янада ошди. Биз шуни кўрдикки, бу кишилар бизга расмий визит блан келмадилар, балки бизларга чин қалбдан мурожаат қилдилар ва бизларни астойдил табрикладилар. Қадрли хонимлар ва жаноблар, сизларни, шунингдек ма'мурият вакилларини ишонтириб айтишга ижозат берингизки, биз, австриялилар ҳам бу ерга дўстлик ҳислари блан, очиқ кўнгил блан келдик. Биз буерда кўрган ҳамма нарсани халқимизга сўзлаб берамиз. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВЕНГРИЯДА БЎЛИШИ

МЕЗЭХЕДЬЕШ, 19 ноябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми секретари Н. М. Пегов бошчилигида ҳозирги вақтда Венгрияда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегацияси бугун тушгача Жанубий Венгриянинг энг йирик иқтисодий ва маданий маркази бўлган Сегед шаҳрининг ҳаёти блан танишди.

Делегация, жумладан, давлат медицина институтига бориб, буерда микробиология кафедрасининг раҳбари, Кошут номидаги мукофот лауреати профессор Дьерць Ивановичнинг институтда олиб борилаётган илмий-текшириш ишлар ҳақидаги сўзини зўр қизиқиш блан тингади.

Тушдан кейин СССР Олий Совети делегацияси Давлат мажлиси раиси Шандор Роная, Венгрия меҳнаткашлар партияси МҚ секретари Бела Вег, Давлат мажлиси раисининг ўринбосари Йожеф Надь-Ишток ва Венгрия Халқ Республикаси президиуми секретари Иван Дарабош ҳамроҳ бўлган ҳолда, Венгриядаги энг йирик давлат хўжаликларидан бири бўлган Мезэхедьеш (Бекеш области) чорвачилик давлат хўжалиги ходимларига меҳмон бўлиб келишди. Давлат хўжалигини кўрган вақтда делегация а'золарига энг кекса селекционер, чўчқа боқучи, Кошут номидаги мукофот лауреати Шандор Бендик ва давлат хўжалик директори Янош Кешерю изоҳот бериб юрдилар.

Давлат хўжалигининг манежида делегация а'золарига ҳархил наслдан бўлган ва 1955 йилда Бутун Венгрия қишлоқ хўжалиқ виставкасида мукофот олган зотли отлар намойиш қилиб кўрсатилди.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ КРИЗИСИ

КАРАЧИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Шарқий Покистон вилоятида кучли озиқ-овқат кризиси бошланди. Хабарларга қараганда, агар дарҳол эффектив чоралар кўрилмаса, бу энг йирик вилоятда қаттиқ очарчилик бошланиши мумкин. Маҳаллий матбуотнинг ёзишига кўра, вилоятда гуруч ва туз тугаб бормоқдаки, ҳозирги вақтда гуруч ва туз блан спекуляция қилиш кучайиб кетмоқда.

Халқ иттифоқи партиясининг секретари Абдул Маннон матбуотда баёнот э'лон қилди. У ўз баёнотида марказий ҳукуматнинг юз берган оғир аҳволни тугатиш учун дарҳол чоралар кўришини талаб қилди.

Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДЕҲЛИДА БУЛИШИ ТУҒРИСИДА ҲИНДИСТОН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон газеталари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Деҳлида бўлишига жуда катта э'тибор бермоқдалар.

«Стейтсмен» газетаси Деҳли гражданларининг 19 ноябрьда бўлиб ўтган оммавий митинги тўғрисидаги ҳисоботни: «500 минг гражданн совет раҳбарларини табрикламорда. Деҳлида жамоатчиликнинг доим эсда қоладиган кутиб олиши. «Панча шила»нинг ма'қулланиши. Булганин янада кенгроқ миқ'ёсда ҳамкорлик бўлажагини олдиндан кўриб билади» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

«Таймс оф Индиа» газетаси Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлида бўлиши тўғрисидаги мақолани: «Булганин Россия ва Ҳиндистон бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ишида иттифоқчидирлар, дейди» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди, «Хиндустан стандэрд» газетаси эса, «Россия Ҳиндистондаги қурилишга ёрдам беришга тайёрдир. Савдо-сотиқ алоқалари ўрнатиш учун фурсат келди, дейди Булганин. Рамлила майдонида бутун халқ зўр хурсандчилик блан кутиб олди» деган сарлавҳалар остида мақолалар босиб чиқарди.

«Хиндустан таймс» газетасининг сарлавҳасида: «Ҳиндистон блан иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун асос яратилди, дейди Булганин. Умумхалқнинг кутиб олишида миллион киши ҳозир бўлди» дейилади.

Барча газеталар Деҳлида ўтказилган митингда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Ҳиндистон Бош Министри Нерунинг сўзлаган нутқларини босиб чиқардилар. Матбуот Деҳли аҳолисининг Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонларни ғоят дўстона кутиб олганлигини доим та'кидламоқда.

«Санди стандард» газетаси: «Бизнинг меҳмонларимиз» сарлавҳали бошмақоласида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга келганликлари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини та'кидлайди.

«Ҳиндистон-Совет дўстлиги, — деб ёзади газета, — раҳбарлар ўртасидаги дўстликкина бўлиб қолмай, шу блан бирга, халқлар ўртасидаги ҳам дўстликдир. Ҳиндлар азиз меҳмонларимизни табриклаш блан улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларини ҳам қутлайдилар».

ҲИНДИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Яқинда Деҳлида очилган ҳинд саноат виставкаси Ҳиндистонда темир йўл транспортининг ривожланганлигини яққол кўрсатади. Виставкага Читтарэнжандаги паровозсозлик заводининг ва Перамбурдаги вагонсозлик заводининг макетлари қўйилган. Вагонлар ва паровозларнинг мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мамлакатнинг вагон ва паровозларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради.

1954—1955 хўжалик йилида темир йўлларнинг поездларни ўтказиш қобилияти аввалги йилдагига нисбатан 8 процент ошади.

Ҳиндистон темир йўлларининг умумий юк обороти 1953—1954 молия йилида 98 миллион тонна бўлган эди, 1954—1955 молия йилида 9 процент кўпаяди. Умумий юк оборотининг 1955—1956 йилларда 120 миллион тонна бўлиши, я'ни аввалги йилдагига қараганда 12 процент кўпайиши кутилмоқда.

Биринчи бешйиллик планга мувофиқ, Ҳиндистон темир йўлларида паровоз ва вагонларни кўпайтиришга 2,5 миллиард рупия пул сарфланган эди, бунинг натижасида мамлакатдаги паровозларнинг сони 2 мингдан зиёдроқ, пассажир вагонларнинг сони 5800 та ва товар вагонларнинг сони 60 мингта кўпайди.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрлари Женева кенгашининг тамом бўлганлиги муносабати блан Берлинда митинглар
О. ГРОТЕВОЛЬ НУТҚИ

БЕРЛИН, 19 ноябрь. (ТАСС). Тўрт давлат ташқи ишлар министрлари Женева кенгаши тамом бўлганлиги муносабати блан кечэ Берлиннинг демократик секторидагаби рқанча районларда меҳнаткашларнинг митинглари бўлди. Митингларда Германия Демократик Республикасининг раҳбар давлэт ва партия арбоблари — бош министр О. Гротеволь, бош министр ўринбосари Г. Лох, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг секретарлари Г. Циллер, П. Вандель, А. Нордень, шунингдек бошқа раҳбар арбоблар сўзга чиқдилэр.

Бош министр О. Гротеволь Карл Либкнехт номли трансформатор заводининг коллективи олдида сўзга чиқиб, Германия Демократик Республикасининг энг муҳим халқаро масалаларда тутгэн позициясини характерлаб берди. Биз, деди у, Европада кескинликни давом этдиришни эмас, НАТО сиёсатини давом этдиришни эмас, балки Европа хавфсизлигини та'минлашни истайміз. Биз Совет Иттифоқининг ташқи ишлар министрлари кенгашида қилган таклифларини тўла рэвишда қўллаб-қувватлаймиз. Бу таклифлар Европада коллектив хавфсизлик системаси тузишга қаратилган ва Германиянинг қайта бирлэштиришга эришишга ёрдам беради.

О. Гротеволь умумгерман сайловлари масалэсига тўхталиб ўтиб Париж битимлари тузилганидан ва Ғарбий Германияни зўр бериб қайта ҳарбийлаштириш иши бошлангандан кейин эркин сайловлар олдига бу сайловларни ўтказишга халақит берадиган ғов қўйилганлигини та'кидлаб ўтди. Женева кенгашида ғарбий давлатлар Париж битимлари сақланиб қолиш кераклиги, бутун Германия эсэ НАТОга қўшилиши кераклиги ва шу шароитда эркин сайловлар ўтказилиши кераклиги тўғрисида гапирдилар. Лекин бу ҳол 1933 йилда ўтказилган сайловлар вэқтидагидек тараққий қилиш бўлур эди. Немис халқи бу маш'ум тараққий қилиш йўлининг такрорланишини истайдими, ахир? Шунинг учун бундай сайловлар немис халқининг манфаатигэ мос келмаслиги ҳамма учун аниқ бўлиши керак. Биз эркин сайловлар тарафдоримиз, лекин бу сайловлар Европэда хавфсизлик та'минланган вазиятда, НАТО йўқотилган ва Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштириш тўхтатилган шароитда ўтказилиши керак.

О. Гротеволь Германиянинг тинч йўл блан қайта бириктирилишига эришмоқ учун заминлар вужудга келтирилиши: Европада коллектив хавфсизлик системасини ташкил қилиш йўли блан ташқи заминлар ва немислар ўртасида яқинлашув йўли блан ички заминлар вужудгэ келтирилиши зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Биз, деди у, шу сабабли «немислар, бир стол теварагига ўлтиринг!» деган шиорни илгари суришни давом эдтирмоқдамиз.

Биз, деди Гротеволь, ўзимизнинг бэрча куч-ғайратимизни Европада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, бирлашган, тинчликсевар ва демократик Германия учун курэшмоқ мақсадида немис халқининг ҳамма кучларини жипслаштиришга қаратишимиз керак.

Бомбейда совет тўқимачиларига бағишланган виставка очилди

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). «Хиндустан таймс» газетасининг берган хабарида айтилишича, Ҳиндистон-Совет маданий жамиятининг мэҳаллий бўлими «Совет тўқимачилари қандай яшамоқда ва ишламоқда» деган темада виставка ташқил қилган. Виставкани шаҳар мэри М. Ч. Пунала очган.

СССР Граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси блан Англиядаги «Бритиш Юропиен Эйруэйс» авиация компанияси ўртасида Битим имзоланди

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар натижасида 1955 йил 19 ноябрьда Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси блан Англиядаги «Бритиш Юропиен Эйруэйс» деган авиация компанияси ўртасида граждан авиация соҳасида коммерсия ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди.

Битимга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси бошлиғи Авиация маршали С. Ф. Жаворонков ва «Бритиш Юропиен Эйруэйс» авиакомпанияси бошқармасининг раиси лорд Дуглас Киртлсайдский қўл қўйдилар.

Битим имзоланган вақтда «Бритиш Юропиен эйруэйс» компаниясининг коммерсия директори Филип Лоутон жаноблари, шунингдек СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари инженерлик-техник хизмати генерал-лейтенанти Н. А. Захаров ва авиация генерал-лейтенанти Е. М. Белецкий, Граждан ҳаво флоти халқаро ҳаво алоқалари бошқармасининг бошлиғи В. М. Даниличев ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Марокаш султони Бен Юсуф тахтга қайтиб келди

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). Париж газеталарининг бугунги хабарига қараганда, 1953 йилда француз ма'мурлари томонидан тахтдан туширилган Марокаш султони Бен Юсуф яна тахтга қайтган. Султон тахтга қайтганлиги муносабати блан нутқ сўзлаб, Марокаш халқининг мустақилликка интилаётганлигини та'кидлаган. У, Франция ҳукумати блан музокаралар бошлайдиган ҳукумат тузиш ниятида эканлигини ва Марокашда васийлик ҳамда протектарат режимига хотима берилажагини айтган.

Сўнгра султон бундай деган: Марокаш блан Франция ўртасидаги ўзаро бир-бирига боғлик бўлишнинг тенгликка ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган янги муносабатлари Марокашнинг бошқа араб давлатлари блан бўлган ма'навий ва маданий муносабатларини сақлашга ғов бўлаолаётган нарса эмас».

Бен Юсуф ўз нутқининг охирида «Марокашнинг суверенитети ҳурмат қилинган вазиятда Марокашда француз гражданларининг манфаатларини, ҳуқуқларини ва шахсий статутини» гарантия қилишга тайёр эканлигини айтган.

Эрон бош министрига қилинган суиқасдга доир

ТЕҲРОН, 19 ноябрь. (ТАСС). «Дэй» газетаси Эрон бош министри Ҳусаин А'лога қилинган суиқасдга тўхталиб, суиқасд қилган Музаффар Али Зулқадр Зенжон районидаги қишлоқлардан бирида яшовчи киши эканлигини кўрсатмоқда. Суиқасд қилучининг ёни тинтиб қаралганда чўнтакка сиғадиган кичкина қур'он ва унинг «фидоёни ислом» деган мусулмонлар ташкилотига мансублигини кўрсатучи карточка топилган.

Ҳусайн А'лога қилинган суиқасднинг сабаблари тўғрисида Эрон газетасининг ёзганлари

ТЕҲРОН, 20 ноябрь. (ТАСС). «Эттилоат» газетаси яқинда Эрон бош министри Ҳусайн А'лога қилинган суиқасдга тўхталиб, тергова ма'лум бўлишича, суиқасдчи «Фидоёни ислом» («Ислом фидокорлари») ташкилотининг а'зосидир, деб ёзади.

Бош министрнинг Бағдод ҳарбий пактига қўшилишга рози бўлганлиги, деган у, суиқасдга сабаб бўлди. Газетанинг ёзишича, суиқасдчи «Биз бу пактга қўшилмаслик учун куч-қувватимизни сарфлашимиз керак эди», деган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги а'золар қабул қилиш тўғрисида Канада вакилининг айтганлари

НЬЮ-ЙОРК, 19 ноябрь. (ТАСС). Канада вакили Мартин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг радиопрограммасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 18 та янги а'зо қабул қилиш масаласида Канаданинг позициясини баён қилиб сўзлаган нутқида, Канада ва шу мамлакатларнинг ҳаммасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига а'зо қилиб олиш вужудга келган мушкулликни тугатучи восита деб ҳисоблаб, уларнинг ҳаммасини а'зо қилиб олишни талаб қилади, деди.

Мартин «ҳамма мамлакатларни қабул қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлайди ва мавжуд халқаро кескинликни юмшатади» деб уқтириб ўтди.

Туркияда нарх-наво ошмоқда

ИСТАМБУЛ, 19 ноябрь. (ТАСС). «Ватан» газетасининг берган хабарида айтилишича, Туркияда саноат молларининг нархи ошиб кетмоқда. Жун газламаларнинг нархи ўтган йилдагига қараганда 15—20 процент кўтарилган. Ички кийимкечакларнинг нархи 20—30 процент ошган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учинчи давлат заёми

ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ЎЗ ҚИЙМАТИНИ ТЎЛАШ 3-НЧИ ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заёмнинг бу тиражи 1955 йил 13 ноябрьда Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Облигацияларнинг ўз қийматини тўлаш тиражига заёмнинг ҳарбир разрядида қуйидаги сериялардаги облигацияларнинг ҳамма 50 номери (№ 01 дан № 50 гача) чиқди:

Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари
040008	043865	047876	051729	055929
040075	043879	047743	051734	056043
040083	043900	047747	051802	056050
040200	043930	047754	051808	056061
040216	043935	047791	051839	056081
040250	043995	047819	051876	056137
040296	044086	047850	051908	056306
040304	044097	047880	051951	056339
040337	044100	047887	051959	056376
040390	044104	047904	051961	056402
040391	044183	047953	052091	056433
040433	044195	048088	052148	056518
040440	044260	048247	052178	056529
040457	044292	048402	052193	056551
040488	044299	048414	052245	056558
040504	044348	048434	052279	056756
040572	044364	048449	052322	056766
040624	044367	048486	052344	056771
040637	044410	048505	052523	056823
040662	044420	048625	052561	056854
040674	044482	048660	052649	056872
040689	044488	048694	052733	056897
040715	044522	048722	052737	056964
040720	044525	048723	052762	056992
040749	044563	048727	052841	056997
040783	044576	048729	052931	057013
040831	044588	048936	052970	057020
040832	044592	048943	052987	057107
040843	044656	048956	053003	057116
040900	044685	049992	053033	057200
040910	044687	049025	053104	057217
040953	044797	049033	053297	057241
040958	044809	049059	053391	057289
041041	044867	049089	053470	057298
041059	044878	049104	053537	057320
041090	044912	049135	053543	057321
041209	044919	049169	053542	057351
041211	044954	049237	053559	057392
041215	045060	049242	053604	057393
041285	045208	049307	053640	057458
041317	045217	049315	053655	057537
041391	045288	049405	053809	057594
041441	045294	049485	053843	057600
041517	045324	049545	053847	057606
041532	045325	049568	053862	057642
041558	045338	049690	053889	057652
041589	045364	049727	053917	057764
041666	045392	049758	053921	057830
041695	045463	049779	053935	057904
041711	045504	049794	053927	057939
041789	045576	049812	053961	058046
041820	045665	049856	053972	058053
041862	045702	049868	054038	058112
041922	045729	049900	054073	058125
041987	045735	049913	054106	058156
042059	045738	049919	054113	058184
042073	045791	049940	054141	058209
042074	045847	050074	054242	058275
042109	045848	050115	054416	058311
042125	045863	050131	054475	058347
042171	045964	050146	054497	058421
042316	045986	050207	054529	058495
042441	046004	050251	054559	058547
042443	046006	050269	054568	058550
042447	046013	050297	054656	058570
042465	046076	050308	054705	058713
042503	046129	050355	054715	058740
042555	046194	050426	054749	058808
042618	046197	050434	054765	058855
042620	046231	050446	054792	058873
042653	046241	050457	054811	058887
042688	046278	050499	054851	058895
042691	046280	050514	054883	058925
042735	046283	050637	054918	058990
042757	046296	050662	054954	059095
042779	046313	050680	054953	059021
042801	046386	050687	054972	059041
042908	046392	050782	055000	059058
043052	046397	050802	055045	059096
043123	046538	050813	055137	059101
043133	046570	050897	055146	059135
043151	046661	050918	055183	059147
043169	046712	050938	055188	059193
043275	046732	050967	055245	059207
043278	046920	050991	055261	059208
043311	046998	051014	055392	059245
043316	047010	051062	055436	059261
043325	047153	051095	055453	059273
043350	047346	051141	055459	059367
043449	047393	051168	055480	059468
043521	047422	051259	055490	059569
043557	047432	051283	055517	059577
043579	047461	051289	055602	059579
043585	047540	051321	055640	059630
043668	047583	051324	055678	059717
043698	047611	051352	055735	059722
043734	047620	051355	055745	059750
043762	047626	051397	055783	059907
043799	047671	051405	055834	059930
043864	047672	051627	055896	059965

Облигацияларнинг ўз қийматини тўлаш тиражини ўтказучи Комиссиянинг раиси—Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Г. ГОЛОВЛЕВ. Комиссиянинг мас'ул секретари С. Д. ВОРОНКОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да **Алишер Навоий**, 23/XI да **Шамсиқамар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да **Гулсара**, 23/XI да **Пиковая дама**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Тамарахоним концерти**. Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — Чкалов область давлат филармонияси **Татар драма ансамблининг гастрольлари** — 22/XI да Н. Нажмийнинг лирик комедияси **Хўш, Хайруш**. Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

Навоий номли (кундуз соат 12 дан), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан) янги бадиий фильм **Дело**.

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 да ва кундуз соат 4 дан), «ИСКРА» (эрталаб соат 11 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги француз-итальян бадиий фильми **Қизил ва қора** (1-нчи серия).

«РОДИНА» (кундуз соат 12 ва 2 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да)— **Қизил галстук**.

«ИСКРА» — эрталаб соат 9-40 ва 10-20 минутда **Ханжар**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 4 гача **Иўлбарсларни ўргатучи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22 ноябрьдан

Хитой циркининг энг кекса устаси **Ван Ю-ли** раҳбарлигида

ХИТОЙ ХАЛҚ АТТРАКЦИОНИ

Жаҳон рекордчиси **Григорий Новак гастрольлари.**

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Совет колхоз бозорларидаги тартибсизликлар бартараф қилинсин

Ўзбекистон ССР Министрлэр Советининг 19 сентябрь 1953 йилда чиқарган 1515-нчи сонли қарорига асосан 1953 йил биринчи октябрьдан бошлаб бозор йиғими учун олинадиган ставкалар озайтирилган ва яғи қат'ий ставкалар белгиланган. Лекин Тошкентдаги совет колхоз бозорларида мазкур қарорга амал қилинмаётир. Кўпгина бозорларда контролёрлар ва кассирлар, ғалла ва сабзавот маҳсулотлари келтирган колхозчилэрдан ўзлари ўйлаб чиқарган «ставка» бўйича ҳақ олмоқдалар.

Масалан, Октябрь район Мэленков номли колхознинг а'зоси Э. Мансуров яқинда «Октябрь» бозорига беш қоп савзи келтирган. У контролёр ўртоқ Муҳамедовнинг талаби блан қассага 12 сўм тўлаб, чек олди.

Бунга шундай юзаки қаралганда ҳеч-қандай тартибсизлик йўқдек кўринади — Мансуров 12 сўм тўлади вэ унга яраша чек олди. Бозор директори Мусаев, партия ташкилотининг секретари Азимов ўртоқлар шундай дейдилар: «Кассиримиз сотучидан қэнча пул олсалар, шунга лойиқ чек берадилар, бунда ҳеч-бир хатолик йўқ». Хўш, ҳақиқатан ҳам хатолик йўқми? Бунга чуқурроқ қаралса кассирлэрнинг қилаётган иши бутунлай нотўғри эканлигини, бу соҳадаги тартиб вэ қоидалар кўпол равишда бузилаётганини кўриш қийин эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида белгиланган ставканинг 1-нчи бўлим 4-нчи пунктида шундай дейилади: «Қўлда, ерда, лотокда, савэтда, қўл аравасида, столда ва ҳоказоларда сотиладиган бўлса (бир кунлик савдо учун) 2 сўм». шунингдек 2-нчи бўлимнинг 2-нчи пунктида: «Кичик тарози берилгани учун (бир кунлик савдо учун) 1 сўм».

Кўриниб турибдики, ўртоқ Мансуров шу қарорга асосан бир кунлик савдо учун ҳаммаси бўлиб 3 сўм тўлаши керак эди, холос. Бундай ҳол фақат биргина Мансуров блан бўлган, ёки фэқат «Октябрь» бозорида юз бераётган воқиа эмас. Бу каби фактларни «Октябрь», «Олой», «Госпиталь» бозорларида кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Келес район Ленин номли колхоз а'золари Э. Тоғаев, М. Алиқулов ўртоқлар Октябрь бозорида 3 сўм ўрнига 12 сўм, 4-нчи Боёвут совхозининг ишчиси М. Маматқулэв, Мирзачўл район «Ленинизм» номли колхоз а'зоси Б. Эгамбердиев, Юқоричирчиқ район «III Интернационал» колхоз а'золари М. Холисов, Д. Каттабоев ўртоқлар Олой бозорида 3 сўм ўрнига 13 сўмдан; Юқоричирчиқ район Андреев номли колхоз а'золари А. Абдужалилов, Р. Раҳимбердиев ўртоқлар «Госпиталь» бозорида 3 сўм ўрнига 11 сўмдан тўлаганлэр. Агар сиз бундай англашилмовчиликнинг сабабини сўрасангиз мазкур бозорларнинг раҳбарлари худди бир-бирлари блан маслаҳатлашгандек: «Биринчидан булар юкларини машинада келтирганлар, иккинчидан планимиз ошиқ, агар шундай қилинмаса план тўлмайди» деган жавобни беришдан нарига ўтмайдилар.

Бозор раҳбарларининг «юк машинада келтирилган» деган гапларининг жони бор. Ставканинг 1-нчи бўлим 1-нчи пунктида «Автомашинада сотиладиган бўлсэ (бир кунлик савдо учун) 10 сўм тўланади» дейилган.

Бозор раҳбарлари қарорнинг бу пунктини ўзларича бузиб, эвтомашинада келдими бўлди, 10 сўмдан олинаверади дейилар. Масалага шунчалик юзаки қараб бўладими, ахир! Совет колхоз бозорларининг ходимлари белгиланиб қўйилган бозор қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сотучиларнинг манфаатларини кўзлэб иш тутишлари зарур. Лекин бозор ходимлари қуруқ формализм йўлига ўтиб олиб, сотучилардан нотўғри ҳақ олмоқдалар. Бир мисол келтирайлик:

Ўртачирчиқ район Ворошилов номли колхознинг а'зоси М. Ма'рупов «Госпиталь» бозорига 2 қоп жўхори келтирган. У, тарози олиш учун тарози тэрқатучи Б. Жалоловнинг олдига борди, ўртоқ Жалодов чек келтиришни талаб қилди, ниҳоят Ма'рупов кассир Тўлагановнинг олдига келиб:

— Икки қоп жўхори келтирдим, неча пул тўлашим керак, — сўради кассирдан.

— Нимада келтирдингиз?

— Такси машинада.

— 11 сўм тўлэнг.

— Ахир, молим ҳаммаси бўлиб 2 қопку.

— Менга деса 2 килограмм бўлмайдими, машинада келдингизми вассэлом, 11 сўм тўлайсиз.

Ма'руп